

Моҳигул БОБОЕВА

**СУФЙ ОЛЛОҲЁРНИНГ
МАЪНАВИЙ ҚАРАШЛАРИ**

(Монография)

«Сангзор» нашриёти - 2010

1 (ЎзБ)

Б - 79

Моҳигул Бобоева. Сўфий Оллоҳёрнинг маънавий қарашлари. Рисола. Жиззах: «Сангзор» нашриёти. 2010 йил, 82 бет.

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, тариқат илмининг пири устозларидан бири Сўфий Оллоҳёр ижоди ўзининг серқирралиги билан ажралиб туради. Айниқса, олим ва шоирнинг одоб, ахлоқ, инсонийлик, миллий қадриятлар, инсон маънавияти ҳамда маданияти ҳақидаги фикрлари ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Ёш олима ва шоира Моҳигул Бобоева бағоят савоб ишга қўл уриб, Сўфий Оллоҳёрнинг маънавий қарашлари акс этган асарларини тадқиқ қилиб, ушбу монографияни яратди. Мазкур монографиядан олийгоҳ, коллеж ва лицей талабалари, мактаб ўқувчилари учун маънавият асослари, одобнома, маданиятшунослик, ахлоқшунослик, эстетика, диншунослик, умуман ижтимоий фанлар дарсларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Масъул муҳаррир

Филология фанлари доктори,
профессор **И. Сувонқулов**

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори,
профессор **Д. Салоҳий**

Филология фанлари номзоди,
доцент **Э. Мусурмонов**

© $\frac{10-300}{4.0-2010-64}$ SANGZOR

ISBN – 978 – 9943-358-10-2

Ушбу монография

Сўфий Оллоҳёрнинг 375 йиллиги ҳамда «Баркамол авлод йили»га бағишланади

Самарқанд азал - азалдан илм - маърифат, маданият маркази сифатида бутун дунёда шуҳрат қозонган. Унинг оламга маишур мадрасаларида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамиид, Али Қушчи сингари буюк алломалар сабоқ берган, Мавлоно Абдурахмон Жомий, ҳазрат Алишер Навоий каби улуг зотлар таълим олган.

Самарқанднинг мовий осмони остида камол топган Мирзо Улугбек, Абулайс Самарқандий, Абдураззоқ Самарқандий, Сўфи Оллоёр, Тоҳирхожа Самарқандий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий сингари илм ва маърифат намоянадалари юртимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этганлар.

Ислом КАРИМОВ

ҚИММАТЛИ МАНБАЛАР

(«Сабот ул - ожизин» ахлоқий - дидактик асар)

Биз мазкур монографияда ва илмий иш ҳамда мақолаларимизда Сўфи сўзини Сўфий деб ўзгартиришимизнинг сабаби қўйидагичадир: Сўфи ёки Сўфий сўзи араб графикасида бир хил ёзилганлиги учун шоирнинг номини ҳар икки кўринишда ҳам ўқиса бўлаверади. Бироқ, «сўфи» сўзи «сўфий» сўзи англатган маънони бевосита билдирмайди.

Сўфи эмас, сўфий даражасига эришган киши баркамол инсон бўлиб, у ўз нафсини тия оладиган, ақл заковатини ҳар қандай ҳиссиётдан устун қўя оладиган, қалби яхшилик, эзгулик билан тўла кишидир. Қолаверса, «Сўфий» даражаси шарият ёки тариқат йўлидаги буюк хизматлари учун бериладиган лақаб – мартаба ҳисобланган. Айнан мана бу сифатлар Сўфий Оллоҳёрга хос бўлган хусусиятларни билдиради. Шунинг учун мантиқан олиб қараганда, Сўфий Оллоҳёрни Сўфи Оллоёв эмас, балки Сўфий Оллоҳёв деб аташ ҳар томонлама тўғри бўлади. Шунинг учун ҳам “Эшони Шайх Суфий Оллоҳёв” мақомини олган.

Муттафаккир шоир Сўфий Оллоҳёвнинг адабий мероси асосан қўлёзма манбалар орқали бизгача етиб келган. Биз тадқиқ қилган мазкур манбалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Сўфий Оллоҳёв «Сабот ул - ожизин», қўлёзма. Ўз ФА Ҳ.С.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фондида 2106 инвентар рақами билан сақланади. Қўлёзма Қўқон қоғозига қора сиёҳда (сарлавҳалари қирмизи ранг) насталиқ хатида 1201 х., 1786 милодий йилида кўчирилган. Китоб сўнггида «Рубоиёти туркий ва тарихи муножот» сарлавҳаси остида шоирнинг 18 та тўртлик-муножоти берилган. Тўртликларнинг ҳаммаси «Холиқо» деган мурожаат билан бошланади. Сўнгга «Ғазалиёти Эшон Сўфий Оллоҳёв» унвони билан 4 та ғазал берилган.

2. «Сабот ул - ожизин», қўлёзма. Шу фондда 2983 инвентар рақами билан сақланади. Асар сўнггида шоирнинг «Холиқо» деб бошланувчи муножот-рубойлари келтирилади. Матн Қўқон қоғозига икки устунда насталиқ хати билан қора сиёҳда кўчирилган, котиби кўрсатилмаган. Қўлёзма XIX асрда китобат қилинган, деб тахмин қилиш мумкин.

3. Шу фондда 3022 инвентар рақамли кўлёзма. «Ашъор» номли ушбу тўпламда XIX асрда яшаган кўплаб шоирларнинг шеърлари ўрин олган. Улар қаторида шоир Сўфий Оллоҳёрнинг туркий ва форсий тилларидаги 3 та мухаммаси ва 20 та ғазали кўчириб ёзилган. Кўлёзма Мовароуннахр қоғозига қора сиёҳ гўзал насталиқ хатида битилган. Кўчирилган йили ва ҳаттоти кўрсатилмаган.

4. Мазкур фонддаги 3031 инвентар рақамли кўлёзма. Кўлёзма 1315х., 1898 йил (мелодий) Мулло Абдуллоҳ Қори томонидан кўчирилган. Матн Қўқон қоғозига қора (баъзан кўк ва қизил) сиёҳда насталиқ хатида китобат этилган. Унинг 4-6 саҳифаларида Сўфий Оллоҳёрнинг 6 та форсий шеъри келтирилади.

5. Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул - ожизин», 58 ғина, ўлчови - 15х26 см. Китобат санаси ва китобнинг номи кўрсатилмаган. Китоб филология фанлар доктори, профессор Иноятуллоҳ Сувонқуловнинг шахсий кутубхонасида сақланади. Хати насталиқ: матн қора қирмизи ранг билан, сарлавҳалар ва баъзи байтлар эса қирмизи ранг билан кўчирилган, ҳар бир саҳифада 15 байтдан шеър жойлаштирилган. Қоғози сарғимтил маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотидир. Муқоваси мағзий, қора рангли, юзи ва орқа қисмлари жигарранг хом тери билан бирлаштирилган.

Кўлёзмада «Торихи вафоти Эшон Сўфи Оллоёр алайҳирраҳма» номи билан жуда муҳим бир хабар-тарих келтирилган:

*Абу Ҳанифани вақт аст Сўфи Оллоёр,
Худо дод ба қолу ҳолро бисёр.*

*Ҳар он, ки омада торихи вафоти ӯ пурсад,
Бигў ту: «қофу», «жиму», «гайну», «лом» бешумор.*

Мазмуни: «Сўфий Оллоҳёр замонанинг Абу Ҳанифаси (Имом Аъзам) дир. Аллоҳ унга қол ва ҳол илмини кўп насиб этган экан. Ким келиб унинг вафоти тарихини сўраса, сен «қоф», «жим», «гайн», «лом» деб айт.

Кўлёманинг охирида 121 байтлик яна бир ўзбекча манзума келтирилган. Уни шартли равишда «Мевалар мунозараси» деб номласа бўлади.

6. «Сабот ул-ожизин» - Мулло Абдуназар котиб нусхаси, 64 варақ, насталиқ хатида кўчирилган. Шеърлар икки устунда ҳар саҳифада 13 қатордан жойлаштирилган. Муқовасиз, қўлёзманинг бошидан бир варақ тушиб қолган. Китобнинг охириги варақларида (17 варақдан зиёдроқ) Сўфий Оллоҳёрнинг форсий ва туркий шеърларидан намуналар берилган. Ундаги уч саҳифада «Рубоиёти турки ва тарихи муножот» номи билан шоирнинг шеърлари берилган, уларнинг давомидан «Эшон Сўфи Оллоёр ғазалиёт» сарлавҳаси билан ғазалларидан намуналар келтирилади. Мазкур шеърлар қуйидаги мисралари билан бошланади:

1. Хожатим улдур, Худоё, по ишим бош айлагил;
2. Эй биродарлар, мани яхши деманглар зинҳор;
3. Жон, агар ҳам сиҳхати тандур жаҳонда ғам ема;
4. Эй, хуш ул умреки, ўтса бир неча шайдо билан;
5. Тешти кўксум, эди бағрим доғи хижроним менинг;
6. Хуш кариму корсиз, бандага меҳрибон;
7. Бу назми хитоби ўз нафсларига қилғонлари.

Шеърларидан кейин қўлёзмада «Дар баёни кавоиди ҳаж» (Ҳаж қоидалари баёнида) сарлавҳаси остида 85 байтдан иборат тожикча манзума кўчирилган, унинг матлаъси:

*Эй ёри меҳрибон, агар аз ман жудо рави,
Дар ҳифзи Ҳақ таоло рави ҳар кужо рави.*

Мазкур қўлёзмада «Сабот ул – ожизин» ҳамду санодан то хотимагача 72 бошни ташкил этади. Асар қуйидаги мисралар билан бошланади:

*Сано лил Холиқи габроу афлок,
Яратди қатраедин гавҳари пок.*

Мақтаси қуйидагича:

*Ҳижоби мағфират ёбгай хатога,
Сазовор айлағай турлик атога.*

Мазкур кўлёзма проф. И. Сувонкуловнинг шахсий кутубхонасида сақланади. Биз юқорида келтирган кўлёзма манбалардан Сўфий Оллоҳёрнинг 30 дан ортиқ ғазали ва 18 дан ортиқ «Муножот» лари борлиги ҳақида маълумот эгамиз.

Шуни айтиш керакки, ушбу кўлёзма манбалардаги Сўфий Оллоҳёр шеърларининг бир қисми нусхаларда такрор учраса-да, улардаги мисраларда фарқлар мавжуд. Бу шуни кўрсатадики, Сўфий Оллоҳёр адабий меросини чуқур ўрганиш шоир яшаган даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини, асарларининг руҳи ва бадиий эстетик жиҳатини аниқлашга ёрдам беради.

СЎФИЙ ОЛЛОҲЁР ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР (1634-1721)

Ўзбек адабиётининг забардаст сиймоларидан бири, зулнисонайн шоир, фиких, нақшбандия тариқатининг йирик намоёниси Сўфи Оллоҳёрнинг туғилган йили ҳақида турли фикрлар билдирилган. Илмий тадқиқотлар ва тазкираларда қайд этилишича, “Сўфи Оллоҳёр тахминан 1630 - 1650 йиллар орасида Самарқанддаги Каттақўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида Аллоҳқули (Темирёр) хонадонида туғилган. Умрининг охирида Сурхандарё вилоятининг Денов қишлоғида яшаган бўлиб, тахминан 1721 йилда вафот этган ва ўша ерда дафн этилган”.¹

Демак, Сўфи Оллоҳёр ХУП асрнинг иккинчи ярми ва ХУШ асрнинг бошларида яшаб, ижод этган. Шунингдек, у кишининг айнан шу даврларда яшаб ўтган оташнафас, мажзуб шоир Бобораҳим Машраб (1650 - 1711) билан мулоқот қилганлиги ҳам манбаларда келтирилган.²

Манбаларда таъкидланишича, Сўфий Оллоҳёр «Маслак ул - муттақин», «Мурод ул – орифин», « Сабот ул – ожизин», «Махзан ул – мутиъийн» каби асарларни ёзган. Баъзи олимлар «Нажотут –

¹ И. Сувонкулов. Сўфи Оллоҳёр. –Т.: “Фан”, 1995 йил, 13-28-бетлар. Яна: Рашид Зоҳид. “Сўфи Оллоҳёр ҳақида нималар биламиз?”. “Шарқ юлдузи”, 1990 йил, 12-сон.

² Қиссаси Машраб. -Т.: “Ёзувчи”, 1992 йил, 151-152-бетлар. Яна: Исҳок Боғистоний. “Тазкирайи қаландарон. “Шарқ юлдузи”, 1990 йил, 8-сон, 156-бет.

толибин» ва «Фавзун – нажот» китобларини ҳам Сўфий Оллоҳёрга нисбат берадилар.

Сўфий Оллоҳёр адабий мероси ўзбек мумтоз адабиёти, тасаввуф ва ўзбек маърифатчилиги тарихида алоҳида аҳамиятга эга, унинг миллий маданиятимиз тарихидаги хизмати шубҳасиз буюкдир. Агар Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам каби алломалар Сўфия тариқати таълимотларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Сўфий Оллоҳёр бу тариқатни миллий мадрасаларнинг таълим тизимига олиб кирди. Ўз ижодида комил инсонни тарбиялашни бош мақсад қилиб олди. У ўзининг ана шу хизмати билан замонасининг етук муаллими ва мураббийига айланди.

Сўфий Оллоҳёрнинг адабий мероси кенг қамровли, алоҳида, мустақил бўлган тўрт асардан иборат бўлиб, уларнинг ичида айниқса, икки - «Маслак ул - муттақин» ва «Сабот ул - ожизин» асарлари Чин (Хитой)дан Шом (Сурия)гача, Оқ Эдил (Волга) бўйларидан Ҳинд сарҳадигача бўлган минтақаларда яшовчи халқларнинг эътиқод қомусига, маънавий – маърифий қўлланмасига айланди. Шоир бу асарлари орқали ўша ердаги халқларни бир исломий - ахлоқий, фалсафий - эстетик, мафкуравий ялов остида бирлаштирди. Бу эса ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий давр ҳамда сиёсий муҳитларда унча-мунча муттафаккир ижодкор қўлидан келаверадиغان иш эмас эди. Сўфий Оллоҳёрга хос ижодий юксакликнинг боиси ана шундадир. Негаки, унинг бу саъй-ҳаракати туфайли кураи заминнинг турли минтақаларида яшовчи халқлар бир - бирлари билан яқинлашдилар, бир-бирларининг маърифатларидан хабардор бўлдилар.

Сўфий Оллоҳёр шеърляти унинг ҳаёт йўли ҳақида маълумот берувчи асосий манба ҳисобланади.

Сўфий Оллоҳёр ҳақида эълон қилинган айрим мақолаларда гўё у Бухоро амирлиги солиқ маҳкамасида ишлаганида золим ва раҳмсиз амалдор бўлганлиги жуда бўрттириб айтилади. Аммо адиб ўзининг «Маслак ул -муттақин» асарида бор ҳақиқатни қуйидагича ёзади: «Аср шохининг хизматида бўлганман. Ҳар бир қавмларнинг нонини еганман. Лекин у нонлар...маҳсули эди. Бундан ортиғини айтмай қўя қолай. Таассуфда ўтириш одатим эди. Ғам юқорию фикр тубанда эди. Таом оғзимда заҳарга айланар эди. Шаҳардаги

ҳаётимни уфқи ана шундай эди. Ҳар бир амалдорнинг юзига кулиб боқиш одатим эди»³.

Тўғри, Сўфий Оллоҳёр амалдорлик вазифасида ишлаган. Бироқ ўтмишдаги ҳамма амалдор фақат золим, раҳмсиз бўлган, дейиш инсофданми? Шоир ўзининг ана шу мансабдорлик даври ва уни тарк этиши воқеаларини шеърларидан бирида шундай баён қилади:

*Ўзимнинг пандим хуш келди ўзумга,
Надомат хокини суртдим юзимга.
Ўшал кундан бери тарк эттим ул кор,
Худо ўлгунча тавфиқ айлагай ёр.*

Сўфий Оллоҳёр солиқ маҳкамасида ишлаган вақтларда текинхўр, бебош мансаб эгаларини халққа нисбатан шафқатли бўлишга, адолатли иш юритишга чақиради ва бу йўлда кўп саъй-ҳаракат қилади, лекин уринишлари зое кетади. Шунинг учун ҳам у амалдорлик мансабини тарк этиб, фақирона ҳаёт тарзини ихтиёр этади. Унинг «Айлади» радибли бир муҳаммасидаги қуйидаги мисралар фикримизга далилдир:

*Айладим ҳарчанд насихат ул гуруҳа бешумор,
Кирмадилар ҳеч ислоҳа у қавми бадииор...*

Сўфий Оллоҳёр лирикасини таҳлил қилар эканмиз, унинг амалдор отаси вафот этгач, оға - инилари отамиз ўрнига бош бўлсин, деб уни амалдор бўлишга кўндиришади. Бироқ табиатан раҳмдил, хоксор бўлган шоир бу ишни уддалай олмайди, бойлик орттиришга интилмайди. У ёшлигидан маънавий камолотга етакловчи адабий асарлар, тарихий китобларни ўқиб ва уқиб тарбия кўрган, сўфиёна асарлардан билим ва ибрат олган. Шу туфайли ҳам шоир амалдорликни тарк этган.

Сўфий Оллоҳёр лирик ижодида яна шу нарса яққол кўзга ташланадики, халқчил амалдор шоир ўз фаолияти давомида текинхўр, бебош мансаб эгаларини халққа нисбатан шафқатли

³ «Маслак ул -муттакин» асаридан келтириляётган мисоллар форсча шеърларнинг ўзбекча таржимаси.

бўлишига, адолатли иш юритишга, инсофга чақиради, лекин уларни бунга кўндира олмайди. Тўғриси, бунга ижтимоий тузум ҳам имкон бермас эди.

Сўфий Оллохёр ҳақидаги баъзи бир ривоятларда у ўз она масканини мансабдор оға-инилари билан келиша олмай тарк этган, деган гаплар юради. Далилларга суянадиган бўлсак, унинг мансабдор акаларига ҳасад ёки нафрат билан эмас, балки холис муносабатда бўлганлиги равшанлашади. Шоир оғайиниларига ёзган хатларида уларнинг мансабига эмас, балки қондошлик ришталарига суянади. Жумладан, акаси Каттакўрғон музофоти ҳокими Фарҳод оталиққа ёзган куйидаги маснавий-мактуби фикрмиз далилидир:

*Жоним, дилим, оғам, жигарим, дидаи тарим,
Эмуқдошим, улугим, фаҳрим, афсарим...*

*Ҳаргиз топилмас ўлкада ёқути аҳмарим,
Мазлуми беҳилоф, шаҳиди муқаррарим,*

*Фарҳод умдан ул-амир отли шаҳварим.
Нафси натижа бергали дарё юришлигим,*

*Сайри ризо мақомида тоғ ўлтурушлигим.
Жигарбандим, азизим, меҳрибоним,*

*Биродарлар ҳамма қасд эттилар боз,
Ота ўрнига бўлғай бир сарафроз*

*Алар ҳар қайсиси шеру паланги,
Аларни олдида ман мўри ланги.*

*Сани қилди Худо халқ ўғлини бош,
Менинг бағримни қон қилди, кўзум ёш.*

*Сана берди Худо юз неъмат, ноз,
Манга минг дарду ҳасрат берди қиш, ёз...*

***Била олмам бу йўлда не бўлур ҳол?
Жигарбандим, азизим, эмди хуш қол.***

Сўфий Оллоҳёрнинг юрак қони билан битилган иккинчи бир мактуб-маснавийси ҳам бўлиб, унда оғаси билан хайрлашишни, айрилиқни изтироб ила изҳор этади:

***Мане саргашта туштим йўлга ночор,
Эмукдошим, Худо бўлсин сенга ёр.***

Биз фойдаланган «Баёзи Убайдулла Аламкаш»⁴да Сўфий Оллоҳёрнинг оғаси Фарход оталиққа битган бир мактуб - мухаммаси бўлиб, у тахминан, Бухоро амири Абулфайзхон томонидан Фарход оталиққа нисбатан қилинган жафоларнинг дастлабки кунларида ёзилган бўлса керак. Чунки мухаммас муаллифи оғасига: «Нечук туштинг аларнинг орасига», деб мурожаат қилади.

Мактуб-мухаммасда шоир оғасига ёрдам беришдан ожизлигини баён этиб, ўз ҳоли ва кайфияти ҳақида эса қуйидаги мисраларни битади:

***Келибман зор айлаб Қаришю, Косон,
Тутубман дўст пойи ҳақиуносон.
Умидлик бандадурман ҳам харосон,
Худо қилгай ўзи мушкулни осон,
Тарахҳум айлагай бечорасига.***

Юкоридаги мисралар Фарход оталиқ бошига тушган кулфат Сўфий Оллоҳёрнинг ҳам хушёр тортишига, она масканини тарк этишига сабаб бўлмадимикин, деган хаёлларга олиб келади.

Сўфий Оллоҳёр ижодини чуқур ўрганиш шоир ижодининг руҳий ва бадий - эстетик жиҳатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, Сўфий Оллоҳёр яшаган даврнинг ижтимоий - сиёсий ҳолати, шоир таржимаи ҳолининг янги

⁴ «Баёзи Убайдулла Аламкаш». И. Сувонкулов шахсий кутубхонаси сақлагувчи қўлёзма. 774 саҳифа.

кирраларини ўрганиш, қолаверса, шоир шахси хусусида юрган турли бўҳтонларнинг асоссиз эканлигини очиб бериш имкониятини туғдиради.

ИШҚИЙ САТРАЛАР

Илоҳий ишқ ва ҳаётӣй ишқнинг шеърятда қоришиқ ҳолда тасвирланиши кўпчилик ҳолларда бу мавзуни бир ёқлама таҳлил этиш ва ўрганишга сабаб бўлган эди. Сўнгги йилларда А. Ҳайитметов, Н. Комилов, С. Олим, С. Рафиъиддинов ва бошқаларнинг тадқиқотларида бу мавзу ҳаққоний ёритилмоқда. Жумладан, С.Олимнинг Алишер Навоийнинг "Ўн саккиз минг олам ...", "Шўх икки ғизол", "Кўнглунг истар ёрлар ..." ғазалларига битган шарҳлари ҳаётӣй ва илоҳий ишқнинг қоришиқ ҳолда келиши ва уни тўғри англай билиш масаласига қаратилган. Шу жиҳатдан қараганда, Сўфий Оллоҳёр ғазалларида ҳам илоҳий ишқ тасвири ёнида ҳаётӣй муҳаббат мавзуи ҳам ёрқин ифодасини топганлигини кўраимиз. Шоир дунёвий ишқ мавзуида ўйноқи, шўх ғазаллар битар экан, ошиқ ва маъшуканинг кайфиятига қараб, гоҳ хушнуд, гоҳ ғамгин мисраларни яратади. Қуйидаги байтларга назар ташлар эканмиз, Сўфий Оллоҳёр ёр образини яратишда, унинг портретини чизишда реалистик шоир сифатида намоён бўлади:

*Сан бу нозуклик била ёр ҳур, ё айёрсан,
Ё пари, ё лолаву, ё гулиани бехорсан.*

*Кипригинг жоду, қўзунг оху, тишинг дурдоналар,
Соҳири сеҳри замон, ё кофири зуннорсан.*

*Талъатинг байзо, қамар ё жаннатул-маъво юзунг,
Нисбатинг номехрибон, ё дўст, ё азёрсан.*

*Боғу бўстонлар аро ҳеч кўрмадим сандек пари,
Эй жафожу, демадинг кимсан, нечук афғорсан.*

*Ўртаб Оллоҳёрни ҳар дамда ҳижрон ўтига,
Раҳм этибон сўрмасанг ҳолим, нечук дилдорсан.*

Келтирилган ғазал ошиқнинг ҳаётий муҳаббатга етишиш йўлидаги ишқий кечинмалари маҳсулидир. Унда биз лирик қаҳрамон - ошиқнинг ўз қалбига муҳаббат учқунини солган маъшукани ҳаётдаги мавжуд предметлар воситасида таърифлашини кузатамиз. Бу гўзал шунчалик назокатлики, мисоли лола. Киприклари ошиқни ўзига ром этади, шу боис у сеҳрарга ўхшайди. Кўзи оҳуники каби дилни ром этса, тиши дур каби товланади. Сочи узун, қадамлари майда. Бу гўзалнинг ошиқ қалбини тирнаш қасди бормикин, боғда унинг кўз олдидан хиромон ўтади. Кўзлари эса шахло, оғзи шунчалик торки, гўё оғзи энди очилаётган pista ва гунчага ўхшайди.

Ғазалда келтирилган бундай ўхшатиш ва истиоралар фикримизча реалистик замин асосида қурилган. Ғазалда шу билан бирга илоҳий тасвир ва ўхшатишлар ҳам ўрин олган. Аввало, шоир ҳаётий маъшукасини жаннат гўзаллари бўлган хур ва париларга қиёс этади. Маълумки, кофир тушунчаси исломда динсиз кишиларга нисбатан қўлланилади. Зуннор эса мусулмон бўлмаган кишилар белига боғлаган, маълум бир рангдаги чилвирдир. Шоир маъшукани кофири зуннорга қиёс этиш билан унинг ўзи яшаган оламда, ҳаётда ўхшаши йўқлигини таъкидлайди, шу билан бирга у ўз кўриниши билан эътиборни тортишига ишора этади. Чунки зуннор таққан кофирлар мусулмонлар ўртасида тезда кўзга ташланиши мумкин эди. Сўфий Оллоҳёр маъшуканинг юзини ҳам ҳаётий ва илоҳий ташбиҳлар билан ифодалайди. Биринчи тасвирда унинг юзи қуёш ва ойга ўхшатилади, иккинчи тасвирда "Жаннатул маъво" - жаннат нури, ёруғлигига тушган нурга қиёсланади. Юқоридаги тасвирлар Сўфий Оллоҳёр ҳаётий муҳаббат куйчиси ҳам бўлганлиги, лекин шу билан бирга илоҳий ишқ тасвирларидан ҳам унумли фойдаланганлигини кўрсатади. Муҳими шундаки, юқоридаги ғазалда илоҳий ишқ тасвирлари ҳаётий маъшуканинг портретини чизишга, унинг ўзига хос хусусиятларини очишга хизмат қилган. Лирик қаҳрамон ҳам ишқнинг табиий ғам - ғуссасини чеккан, ҳаётий гўзалнинг нозу-истигноларидан зорланган ошиқдир. Маъшуканинг ошиғига назар солмагани, уни хижрон оловида ёндиргани ғазалнинг интим руҳини белгилайди:

***Юрокимни тиги ҳажринг қилаберди пора-пора,
Ким айтайин бу дардим, на иложэ этай, на чора.***

Сўфий Оллоҳёр юқоридаги ғазалида ошиқнинг руҳий кайфиятларини ҳаётӣй ишқ замини билан очади.

Сўфий Оллоҳёр шеърятининг тил ва услубидаги соддалик, халққа тушунарли тарзда ифода этилиши Аҳмад Яссавийга издошлик белгисидир. Масалан, қуйидаги байтларни бугунги кун ўқувчиси ҳам ҳеч бир луғатсиз тушуна олади.

***Кел, эй толиб, қўзинг ибрат била оч,
Муҳаббатсиз кишидан қуш бўлиб қоч.***

***Муҳаббат аҳлини жўрёни бўлгил,
Ўшалким учради, қурбони бўлгил.***

***Кишини кўнгликим бегона бўлса,
Эрур душман агар ҳамхона бўлса***

***Муҳаббатсизки бўлди ҳар қаю зот,
Агар фарзанди шириндур, эрур ёд.***

***Муҳаббат бўлмаса ҳар кимда, эй хайр,
Отанг бўлса эрур бегонаи гайр.***

Сўфий Оллоҳёрнинг кўлимиздаги аксарият шеърларида ишқ тараннум этилади. Уларда қўлланилган бадиӣй тасвирий воситалар ҳам анъанавӣй шеърятимиз услуби доирасидадир:

***Наргиси мастинг ҳумори бодадин гулгунмудур,
Ё будурким лолазор ичра тушан ваҳшии гизол.***

Яъни: зилол лаъл-лабинг устида ҳусн бўлиб тушган мушкин хатту холинг Кавсар ариғи қирғоғида суҳбат тутаётган Ҳизр ва янги ойни эслатади. Бу байтда талмеҳ ва яширин ўхшатиш (ташбиҳи пўшида), шунингдек, мусаллал ташбиҳ кетма-кет, занжирли ўхшатиш санъатлари бир йўла қўлланилган. «Кавсар»

сўзининг замирида лаб, унинг суви – оби ҳаёт (тириклик суви) маъноси яширинган. Иккинчи мисра эса юз лолазорга, бода ҳуморидан қизарган кўзлар ром этилмаган кийикка муқояса этилади.

Шеърнинг бошқа бир байтида эса ирсоли масал (халк иборасини қўллаш) санъати воситасида шоир халқимизнинг гўзал қизларига хос ҳаё ва ориятлилиқни, уятчанлиқни ўзгача оҳор билан бера олган:

*Муддаийларни кўриб, қаҳр ила ёшургай юзин,
Эй, кўзум, ул ора тушти, эмди юз кўрмак маҳол.*

Байтда «юз» ва «юзкўрмак» ибораси орасидаги муттаносибликка эътибор берилган. Сўфий Оллоҳёр дунёвий ишқ мавзуда ёзган шеърларида ижтимоий мазмундаги фикрларини ҳам баён этади. Унинг ана шундай шеърларидан олинган қуйидаги байтлар фикримизга мисол бўлиб, улар шоирнинг тақдир, замона ҳақидаги мулоҳазаларини акс эттириш билан бирга, маълум маънода таржимаи ҳолик хусусиятига ҳам эгадек кўринади.

*Ҳеч ишим рўйи замин ичра кифоят бўлмади,
Бахти кажимни сўрогин берди Қоф арқосида.
Қўл сунуболгунча тегди давр аёғи ўзгага,
Кўз юмуб-очкунча умр ўтти жаҳон гавғосида.*

*Билмадим ҳаргиз замона феълени қавлини рост,
Кўрмадим ҳасрат сўйидин ўзга гардун тосида...*

Бироқ шеърнинг охири-мақтасида шоир ўз аҳволи паришонлиги ёр сочи паришонлигига боғлаб, лирик тугалланма яратадики, бундай усулни биз Зокиржон Фурқатнинг машҳур «Қашмирда» шеърида ҳам учратамиз:

*Фориз эрмас ҳеч ким ул дилрабонинг ишқидин,
Зулфига дилбасталиг ҳар бир жувону пирда.*

*Айдим: «Эй, жон офати, зулфингга бўлмишман асир !»
Айди: «Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда!»⁵*

Мазкур мисларни Зокиржон Фуркат Суфий Оллоҳёрнинг ушбу мисралари таъсирида ёзганлиги байтнинг мазмунидан ҳам англашилади:

*Дерсен, Оллоҳёр, лутф айлаб паришон бўлмагил,
Жамъ ўлурму хотирим гисуларинг савдосида.*

Шоир ғазалларида Ёр гўзаллигининг маънавий латофати урғу билан тасвир этилади. Фикримизча, уларда тасвирланган маҳбуба мавҳум бир санам бўлмай, ўзининг аниқ миллий мансублигига эга бўлган ўзбек - тожик қизларидир:

*Меҳри андак ҳам вафосига жавоси нечалик,
Феъли тожик, зоти ўзбекликда тураворсан.*

*Эгри абрў, ҳол-хунду, зулф ҳар сў мушкбў,
Кўзи жоду, кипригу отқу, бало рафторсан.*

*Айдим, эй маҳ, сўзла зарра, бандани ҳоли табоҳ,
Ғамза бирла, шукрилиллоҳ, деди: «Оллоҳёрсан».*

Унинг ана шундай мазмунли шеърлари қаторидан:

*Тешти кўксум, эзди бағрим доғи ҳижроним менинг,
Бу аламда мунча ғамда чиқмаган жоним менинг...*

матлаъли шеъри ҳам ўрин олган.

Келтирилган мисолларга таяниб, Сўфий Оллоҳёр йирик ҳажмли асарларини яратганга қадар ҳамда улар яратилган даврда ва кейин ҳам кичик ҳажмдаги лирик шеърлар ёзиб турган, деб тахмин қилса бўлади. Албатта, бу шеърларнинг кўпчилиги муҳаббат,

⁵ Фуркат. Танланган асарлар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. - Т.: - 1975 йил, 21 бет.

дунёвий севги мавзуидадир. Мумтоз шоирларимиз кишиларни илғор фикрли, муносиб фарзанд қилиб етиштиришда адабиётнинг муҳим аҳамият касб этишини чуқур англаганлар. Улар хоҳ лирик, хоҳ эпик жанрда бўлмасин, маънавий тарбияга асосий эътиборни қаратган.

Сўфий Оллоҳёр шеъриятидаги ранг-баранг кўринишлар ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёрқинроқ намоён қилади. Хуллас, шоирнинг бундай шеърлари республикамизда янги ғоялар, янгича мафкура таркиб топаётган ҳозирги даврда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

МАЪНАВИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Сўфий Оллоҳёрнинг маънавий-фалсафий қарашларида нафс тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, нафс - ўзлик, рух, зот маъноларига тенг бўлиб, мумтоз адабиётда инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга «доя»лик қилувчи майл сифатида талкин қилинади.

Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий бу ҳақда шундай ёзган эди. «...нафс деганда инсондаги ғазаб ва шахват қувватларини ўз ичига олганлиги назарда тутилади. Нафсни бу маънода тушуниш аҳли тасаввуфда ғолибдир. Улар нафс деганда инсондаги барча мазмун (нафратли)сифатларни ўзига жамлаган зўравон кучни назарда тутадилар ва шу боис бундай дейдилар: «Доимо нафсга қарши курашиш, мудом уни синдириш лозим, зеро пайғамбар аллайҳисалом **«Энг қаттол душманинг ўз ичингдаги нафсингдир»**,⁶ деган ҳикматларида шунга ишора қилинган. Буни яхши билган Сўфий Оллоҳёр нафс туфайли кераксиз ишлар билан оввора бўлиб, бошига кўппаб балолар ёғилганлигини қўйидаги мисралаарида шундай баён қилади:

*Илоҳи бандаман бечорадурман,
Ҳавойи нафс ила оворадурман.*

⁶ Ғаззолий Муҳаммад Абу Ҳомид . Ихё улумид –дин. Араб тилидан Мансур Абдулазиз таржимаси. – Т.: «Ёшлик» журнали, 1990 йил 6 – сон, 70 – 71 – бетлар.

*Эрурман барча нуқсонима иқрор,
Муслмон ўгли қилмас ишларим бор.*

Демак, нафсга берилиш, унга қарши курашмаслик, нафсни жиловламаслик иймону инсонни инсофдан ажратади.

Нафс кенг тушунча бўлиб, Тасаввуф аҳли олти нафс борлигини эътироф этадилар:

1. **Нафси аммора** - инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга завқлантирувчи нафс.

2. **Нафси лаввома** - бад ишлардан пушаймон қилувчи, тергаш, пархезкорликка қодир нафс.

3. **Нафси мутмаинна** - иймон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафс.

4. **Нафси роҳия** - Оллоҳдан рози нафс.

5. **Нафси марзия** - Оллоҳ ризосини қозонган ва унга мақбул бўла олган нафс.

6. **Нафси Сўфия** - қусур ва иллитлардан батамом покланган соф нафс.

Сўфийлар назарида нафс инсонни дунёга боғлайдиган «занжир». У одамни ҳақиқатдан йироқлаштиради. Шу туфайли нафсга ҳоким бўлмоқ керак.

Мумтоз адабиётда дил поклиги ва руҳ комиллиги, нафс ва руҳ зиддиятлари кенгрок ўз ифодасини топган, унда руҳ-жон инсоннинг тўғрилиқка, покликка, маънавий комилликка даъват этувчи куч сифатида талқин этилади. Нафс ва Руҳ инсоннинг етукликка бўлган интилишини кучайтиришда бир-бирига зид бўлган воситалар ва тушунчалардир.

Руҳ ва Нафс образи Сўфий Оллоҳёрга маънавий устоз бўлган Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний ижодида ҳам ўз ифодасини топган. Бу ўринда Боқирғоний шеъриятида яратилган Нафс ва Руҳ мунозарасига мурожаат этиш масаланинг моҳиятини ойдинлаштиради:

*Нафсим айтур, бу дунёнинг мулкин бўлсам,
Хитой, Қирғиз, Қипчоқ, Ҳиндистонни олсам,*

*Оғибон Чин, олтун, қумуш танлик қилсам,
Бахт этса, бир ганж тузиб етойин дер.*

*Рухим айтур, дин ишини яхши қилиб,
Эзгу, ёвуз жумласини Рабдин билиб.*

*Тунлар бўлса тоат бирла ўро туриб,
Кундуз бўлса, савму салот ўтойин дер.*

Сўфий Оллоҳёр маънавий қарашларида ёмон нафси пок руҳга тобе этиш, нафси поклаш ва уни эзгуликка хизмат қилдириш асосий мақсад қилиб олинади. Бу жиҳатдан қараганда, унинг "Нафси шумнинг баёни" мажмуасида қўйилган асосий мақсад ҳам инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга завклантирувчи нафси амморани иймон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафси мутмаинага айлантиришга қаратилганлиги билан алоҳида қимматга эга.

*Қўюб андозаи ҳолича юкни,
Ибодат йўлига қўндир бу лукни.
Бу меҳнат бирла ул аммораи дун,
На бўлғай мутмаина бўлса бир кун.
Семиз қўп қилма бу туллак итингни,
Қутуруб ёрмағай токи бетингни.*

Сўфий Оллоҳёр ўз манзумасида нафси тарбиялашнинг бирдан-бир йўли маънавият ва маърифатга интилиш, деб тушунади. Шундай қилингандагина нафс покланади. Инсонни гумроҳлик ва гуноҳга бошлаган нафс нима? Сўфий Оллоҳёр унинг бадий қиёсларини топади: "туллак ит". У семиртирилса, қутуради, ўз эгасининг копади. Шоир Нафси йўқотишнинг йўлини Рухга тобе бўлиш, унинг измига тушиш, деб билади. Агар нафс Рухга итоат этмаса, у ҳолда инсон ёши улуғ бўлишидан қатъий назар, ўз инсоний қиёфасини йўқотади:

*Эрур холо ки товба боби мафтўҳ,
Ёмон нафсингни қилгил тобиъ руҳ.
Агар нафсинг сани етмиш бошингдин,
На бўлғай фойда етмиш ёшингдин.
Агар нафсинг муродин изламаксан,
Агар саксанга умринг етса саксан*

"Сабот ул-ожизин" да нафсга кувват берадиган, инсонни гуноҳ ва гумроҳликка бошқарадиган таъма, такаббуриликка берилиш, ҳақни ёд олмаслик каби омиллар эканлиги ўз ифодасини топган. Умуман, бу асарда Сўфий Оллоҳёр мумтоз адабиётдаги маърифат, маънавият ва ҳақиқат тараннум қилинган анъаналарини ўзига хос тарзда давом эттирган санъаткор сифатида кўринади. Энг муҳими, "Сабот ул-ожизин" комил инсон масаласини бош ғояга айлантира олгани билан ҳозирги давр кишиларини маънавий комил, ахлоқ-одобли, юксак иймонли қилиб тарбиялаш қимматига ҳам эгадир.

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Сўфий Оллоҳёрнинг маънавий-ахлоқий қарашлари билан боғлиқ бир қанча ғазаллари мавжуд. Бунга шоирнинг "арзимас" радифли ғазали ҳам мансубдир. Ғазалнинг ғоявий йўналишида дунёнинг фонийлигига урғу берилиб, ортиқча бойликка, исрофгарчиликка ҳавас қўймасликка қаратилган. Албатта, бу ғоя мумтоз адабиётнинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Аҳамиятли жойи шундаки, шоир ана шу ғояни ҳаётий воқеалар асосида айтишга эришади:

*Дунёда қасру сарой бунёд қилмак арзимас,
Охири вайрон эрур, обод қилмак арзимас.*

Бино, иншоот, уй-жой қуриш албатта хайрли ишлардан ҳисобланади. Тарихимиздан сўзловчи, мозийнинг тенгсиз гувоҳи бўлган меъморий обидалар аجدодларимиздан қолган ноёб ёдгорликлардандир. Сўфий Оллоҳёр назарда тутган "қасру сарой" ортиқча йиғилган молу давлат ҳисобига қурилган, мулкдор кимлигининг намоёйишига айланган уйлар айни пайтда ортиқча мол-давлатнинг рамзий ифодасидир. Шу нарса аёнки, ортиқча молу-дунё инсонга вафолик қилмайди, ҳар қанча қасрлар қурилмасин, давлат йиғилмасин у фоний дунёда қолади. Бундай маънавий-ахлоқий қарашлар мумтоз адабиётимизда кенг тасвирланган. Чунончи, "Садди Искандарий" достонининг бош ғояси ҳам шундай ҳаётий ҳақиқатнинг бадий ифодаси сифатида яратилган эди.

*Оғритиб ҳар беваю бечорани шому саҳар,
Саъю кўшиш айлабон барбод қилмак арзимас.*

Етимлар, ғариблар ва бева-бечораларга озор бермаслик масаласи мумтоз адабиёт шоирлари ижодида алоҳида мавзу ҳисобланади. Жумладан, Аҳмад Яссавий ижодида **"Етимлар бу жаҳонда хор экандурлар, ғариблар иши дуввор экандур"** каби сатрлар ҳам ана шу мавзуга қаратилган. Ёки қуйидаги парчага эътибор берайлик:

*Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,
Ғарибларга очигланиб сўз қотмангиз.
Заиф кўруб ғарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда ғарибликтек боло бўлмас.*

Бу байтлар билан Сўфий Оллоҳёр байтлари ўртасида мазмунан ҳамоҳанглик сезилиб турибди. Лекин ҳар икки шоир ижодида ҳам замонадаги ҳукмдор синф етимларни, бева-бечораларнинг ҳақ-ҳуқуқини топтаган, уларни қийнаган, деган маъно билан бирга шахсининг ахлоқий дунёси, маънавий камолоти ҳам назарда тутилган. Ҳаётда яшаш ва тирикчилик учун муҳтожлик сезган кишиларга меҳрли, шафқатли бўлиш масаласи қуйилган. Ёки қуйидаги байтда ҳам ана шундай ғоявий мақсад ифодаланган бўлиб, унда нафсу ҳавога берилиб, ғарибу бечорага озор етказиш қораланади:

*Салтанат бирла ўлуб, нафсу ҳавони ушлабон,
Ҳар ғарибу хастага бедод қилмак арзимас.*

Сўфий Оллоҳёр фоний дунёда мол-давлат учун одамлар бир-бирининг дилларини оғритишини ҳам ахлоқий нопоклик деб ҳисоблайди. Шу билан бирга мансаб ва амал учун талашиш ҳар қандай адолатсизлик бўлганида мамлакат ҳукмдорлари олдида қўл қовуштириб туриш ёки мансаб тегмаганлиги учун шовқин-сурон кўтаришни ахлоқсизлик, деб тушунади.

*Дўстлар, бул бевафо дунёда молу мулк учун,
Бир-бирининг оғритиб, ношод қилмак арзимас.*

***Мансабу дунё учун аҳли ҳукумат олдига,
Қўл қовуштируб турубон дод қилмак арзимас.***

Сўфий Оллоҳёр Бухоро хонлигида мансабдор шахс сифатида фаолият кўрсатган кишидир. Аммо юкоридаги байтлар унинг ҳаётдаги ўз идеал мақсади бева-бечоралар, ғарибларнинг кўнглини оғритмаслик учун ҳаракат қилиши, божгирликдан воз кечиб, художўйлик йўлига киргандан сўнгги қарашлари натижасидир. Қуйидаги байтда ҳам шоирнинг бундай қараши ўзининг ёрқин ифодасини топган:

***Олиғу солиғ билан муллаю хожя барчани,
Юз жафою жавр ила ифсод қилмак арзимас.***

Бу байт ҳам маълум даражада автобиографик хусусиятга эга бўлиб, олиғу солиғ (жумладан, божгирлик ҳам) йиғувчилар хоннинг вакиллари ҳисобланади. Уларнинг халққа юз хил жабр-зулм ўтказиши бузуклик ҳисобланиб, шоир ҳаётнинг бундай тарзини қоралайди. Сўфий Оллоҳёрнинг ғазаллари орасида унинг божгирлик даврида халққа жабр-ситам ўтказганлиги, шу сабабли ҳам ўз ишидан кўнгли азоб чекканлигини кўрсатувчи бошқа байтлар ҳам учрайди:

***Эй биродарлар, мани яхши деманглар зинҳор,
Зоҳирим сўфийнамодур, ботиним кийну ниқор.***

***Шумлуғум, расволигим тегди вилоят халқига,
Онинг учун тоғу тошу чўлни қилдим ихтиёр.***

Сўфий Оллоҳёр лирикасида ахлоқий-таълимий фикрлар шоирнинг ҳаётий тажрибаси маҳсули сифатида юзага келади. Шоир ҳар бир инсон тарбия топиши, комил инсон бўлиб етишувида устозга суяниш ҳаёт ҳақиқатидир. Зотан, Сўфий Оллоҳёр ўз камолотида ана шундай йўлни босиб ўтган эди. Шоир ана шу ҳаёт ҳақиқатини образли тасвирлар билан беришга эришади:

***Жон чекиб, гусса ютуб, то жигаринг қон ўлмаз,
Мақсадинг ҳосил ўллуб, мушкулнинг осон ўлмаз.***

*Бошини доша уруб дона элакдин ўтмай,
Мушт емай, ўт ичина солмасалар нон ўлмаз.*

*Эй йигит, маслаҳатинг билгали бир пир керак,
Бекамон ўқ неча тузлук билан паррон ўлмаз.*

Келтирилган парчада шоирнинг мақсади комил инсон бўлиши учун машаққатлар чекишга қаратилган. Шоир ўз ғоявий ниятини турли бадий қиёслар орқали ифодалашга эришади. Инсон мақсадига интилиши, бирор мушкулини осон қилиш учун жон куйдириши, яъни ўз мақсади йўлида курашиши керак. Шоир ана шу мақсадига етишишни бадий тасвир орқали, яъни доннинг нонга айланиш тасвири билан беради. Доннинг боши тошга урилиб, майдаланмаса у элакдан ўтмайди. Демак, ун доннинг майдаланиши ва элакдан ўтиши орқали бўлади. Ун ҳам ўз-ўзидан нонга айланмайди. Ун хамирга айланиши, мушт билан қорилиши, ўтга солиниши керак. Худди шундай ўқ ҳам камон бўлмаса отилмайди, унинг тузлукда туриши бефойдадир. Демак, парчада шоирнинг бадий нияти йигитга машаққат чекиш, бирор пиру муршиднинг этагидан тутиб, унинг насихатларини олишни уқтиришга қаратилганлиги билан ўзига хос қимматга эгадир.

БАДИЙ МАҲОРАТ

Шеърият муайян шаклга солинган маънавий мазмун касб этган кучли фалсафадир. Адабиёт эса ана шу фалсафанинг асосий мағзи, ўзаги ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда катта фалсафий мазмунга бой бўлган Сўфий Оллоҳёр шеърияти халқ тилига яқинлиги, содда ва равон жумлалардан иборатлиги билан ажралиб туради. Сўфий Оллоҳёр шеъриятидаги тил бойликлари сода, равон, халққа тушунарли, энг муҳими, шоирнинг ўзи жонли халқ тилига яқин туришга интилганлиги билан эътиборни тортади. Бир бадий тил доирасида ўзига хос услубий йўналишларнинг мавжудлиги яна бир муҳим ҳулосага келишга имкон беради: агар Хуросон адабий услубида форсий ва арабий сўзлар кўпроқ қўлланилса, Туркистон адабий услубида турли туркий сўзларнинг қоришиқ ҳолда қўлланилини сезилиб туради. Сўфий Оллоҳёр шеъриятида кенг қўлланилган санъатлардан бири сифатлашдир. Шоир бу санъатда

ўзига хос тасвирларни бера олганки, улар Сўфий Оллоҳёр шеъриятининг реалистик асосларини тўлароқ кўрсатишга хизмат қилган. Бадий санъатнинг бу тури адабиётда ўзига хос вазифани бажаради. Таъкидлаб ўтилганидек, шоир ўзининг ғоявий эстетик позицияси, диди, таъбига кўра ҳаёт материални бадий жиҳатдан қайта яратар экан, унга хос бўлган айрим белги ва хусусиятларни таъкидлашга ёки маълум бир тимсол воситасида характерлашга интилиши мумкин. Бу иш кўпинча сифатлаш санъати орқали руёбга чиқади.

Сўфий Оллоҳёр яратган бадий сифатларнинг кўпчилиги ҳаётий ишқ тасвирлари билан берилган. Шоир ҳаётдаги реал маъшуканинг тасвирини, унинг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракатини ишонарли сифатлар билан ифодалайди:

*Соч узун, кўтаҳ қадам, эй гул, хиромон юрма кўб,
Ёки қасдинг мандадурму ё таманнаворсан.*

*Кўзларингму нарғиси шаҳлодур, эй писта даҳан,
Нозу дардингдур фузун, бас, сан нечук беорсан.*

Бу парчада маъшуканинг сочи узун, қадамлари қисқа, оғзи пистадек кичиклиги сифатлаш санъати орқали ифодаланган. Қуйидаги байтда эса шоир сифатлашда янада юксак маҳоратга эришади. Байтдаги ҳар бир предмет нарсанинг белги - хусусияти ўзига хос бадий тасвирда ифодаланади.

Масалан, Сўфий Оллоҳёр шеъриятида озарбойжон тилига ҳамоҳанглик ёки Хоразм шевасига хос сўз ҳамда иборалар берилган. Мисолларга мурожаат этайлик:

*Жон чекиб, гусса ютуб, то жигаринг қон ўлмас,
Мақсадинг ҳосил ўлуб, мушкулнинг осон ўлмас.*

*Бошини доша уруб дона элакдин ўтмай,
Мушт емай ўт ичина солмасалар нон ўлмас.*

Келтирилган парчада ғазалнинг радифига айланган "ўлмас" –ўзбек тилида "бўлмас" маъносини ифодалайди. Шунингдек, "доша" сўзи "тошга" мазмунини беради. Жўналиш келишигининг

кўшимчаси "га" нинг "г" си тушиб қолиши ҳам Озарбойжон ва Хоразм шевасига хос хусусиятдир. Бу парчадаги "доша" - "тошга", "ичина" - "ичига" шаклида ёзилиши ўзбек тили талаффузи ва ёзилишига хос қонуниятдир. Бундай мисоллар Сўфий Оллоҳёр шеъриятида тез-тез кўзга ташланади. Шоир услубидаги тил ифодалари унинг Фузулий шеърияти ёки Хоразм шеваси билан яқиндан таниш бўлганлигини кўрсатади.

Бадиий асар тилида шоир турли халқ шевасига хос сўз ва иборалардан фойдаланиши унинг маҳоратини белгилайдиган бирламчи унсурдир. Шу билан бирга шоирнинг истеъдоди ва маҳорати тилнинг бадиий имкониятларини юзага чиқара билиш ҳам ҳисобланади. Тилнинг бадиий имконияти унинг маънавий-маърифий таъсирчанлигини ҳам очади.

Академик А. Рустамов "тилнинг бадиийлиги нима?" деган саволга "Бадиийлик, бошқача қилиб айтганда, бадиият бу гўзалликнинг нутқий кўринишидир"⁷ деб жавоб беради. Албатта, ҳаётда гўзалликнинг кўринишлари кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси адабиётда тил воситасида акс эттирилади. Шу жиҳатдан қараганда, Сўфий Оллоҳёр лирикасининг бадиияти унинг маҳоратини, истеъдодини ва ўзига хос услубини белгилашга хизмат қилади.

Бадиийлик кенг тушунчадир. Хусусан, шеърятда бирор шоирнинг бадиий маҳоратини аниқлаш унинг ғоявий нияти, ҳаётий қарашлари, эстетик мақсадини англаш натижасида эришилади. Биз Сўфий Оллоҳёр шеъриятига бадиийлик нуктаи назаридан ёндошар эканмиз, икки муаммони таҳлил этишни лозим топамиз:

1. Шоирнинг поэтик образ яратиш маҳорати.
2. Бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳорати.

Маълумки, образ санъат ва адабиётда ўзига хос бир категориядир. Бу тушунча адабиётшуносликда образли нутқ, образли ифода, образлилик, образли тасвир каби атамалар билан ифодаланади. Бадиий адабиётда образ ва образлилик тасвирий нутқ демакдир. Адабиётда образларнинг бу ўзига хос гулдастасидан санъаткорона фойдалана билган Сўфий Оллоҳёр шеърияти шунинг учун ҳам умрбоқий характерга эга. Фақат уни ўқиш эмас ўқиш ва

⁷ Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёш гвардия, 1987, 8-бет.

ўша сеҳрли оламга чуқурроқ кириб, сингиб бориш, маънавий-маърифий маъно жилоларини тўғри ва тўлиқ илғай олишимиз керак.

Бадий асар тилида шоир турли халқ шеvasига хос сўз ва иборалардан фойдаланиши унинг маҳоратини белгилайдиган бирламчи унсурдир. Шу билан бирга шоирнинг истеъдоди ва маҳорати тилнинг бадий имкониятларини юзага чиқара билиш ҳам ҳисобланади.

Бу ўринда С. Рафиъиддиновнинг куйидаги фикрларини келтириш мантиқий жиҳатдан асослидир: «Баъзи образларнинг бадий аҳамиятини янада теран очиб бериш учун уларнинг узок асрлик тақомилини, тадрижий ривожини билиш лозим. Масалан, образ яратишнинг восита, омилларидан бири бўлган ташбих санъати орқали юзни ойга, гулга, шаъмга, куёшга ва бошқаларга ўхшатиш Шарқ шеъриятида, жумладан, араб, форс ва турк халқлари адабиётида анъанавий қоидага айланди.

Айни пайтда зулф, қош, кўз, киприк, қабоқ, хол, ёноқ, оғиз, лаб, тиш, ўнгак, соч каби инсоннинг ҳар бир узви билан боғлиқ ўзига хос тасвирий воситалар ҳам анъанавийлик касб этди»⁸.

Шарқ шеъриятида анъанага айланган бу поэтик образлар ижодкорнинг дунёқараши нуктаи назарига кўра турлича мақсадларда қўлланилади. Жумладан, бу образлар мажозий ёки ўз маъноларини ифодалаш хусусиятига эгадир. Биз бундай образлардан Сўфий Оллоҳёр ҳам фойдалангани, маърифий ва дунёвий маънода ҳам талқин этганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг шеъриятида қўлланилган поэтик образлардан бири юздир. Юз сўзига баъзан маънодош тарзда "ораз", рух, рухсор, "чехра", "жамол" каби сўзлар ҳам қўлланилади. Юз мумтоз адабиётда ўзига хос талқинга эга. Юз дейилганда нур, имон нури, ирфон эшикларининг очилиши, ҳақиқий жамол пардаларининг кўтарилиши тушунилган. Қуйидаги байтларга назар ташлайлик:

***Юз қамар, сўз мухтасар, хуришед пари дилдорсан,
Макка эъзозу Мадина файзи тавр анворсан.***

Ёки:

⁸ Рафиъиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат, - Т.: Фан, 1995, 89-бет.

***Хайратоким, сўлди андоғ гул юзи тўймай туриб,
Воаламҳо, ботти кўз тўймай туриб андоғ ҳилол.***

Сўфий Оллоҳёр лирикасида анъанавий поэтик образларни янгича маъно ва мазмун билан ифодалаш ҳам ўзига хос фазилат сифатида кўринади. Куйидаги байтда ҳам инсоннинг ўзи билан боғлиқ поэтик тасвирлар келтирилган:

***Эгри абру, холи ҳинду, зулфи ҳар сў мушкбу,
Кўзи жоду, киприги отқу балою рафторсан.***

Шоир ташбиҳ воситасида кошни эгри, холни ҳинду-кора, зулфни ҳар томонга тарқалган, кўзни сеҳрли, киприкни отиладиган ўқдек найздор деб ҳисоблайди. Бу поэтик тасвирлар айтилган пайтда ҳақиқий маънода қўлланилган бўлиб, унда ҳаётининг гўзаллигини портретини яратади.

Сўфий Оллоҳёр Шарқ шеърларидаги ранг-баранг лирик жанрларда асарлар яратиш билан бирга унинг турлича вазнларидан ҳам фойдаланган. Ҳар бир шеърининг шакл учун ўзига хос вазн ўлчовларини топган, фикрнинг салмоқдорлиги, ўйноқчилиги ва эркин ифодаланишининг ўзи танлаган вазнлар орқали беришга эришган. Сўфий Оллоҳёр лирикасининг тили, поэтик образлари ва қўлланилган санъатлари, вазн ўлчовларини ўрганиш бизда куйидаги хулосаларни баён этишга имкон беради:

1. Халқчиллик Сўфий Оллоҳёр лирикасининг асосий руҳини ташкил этади. Унинг шеърлари халққа тушунарли тилда, тезда англаб етиши мумкин бўлган тасвирий восита ҳамда поэтик образлар асосида, гоёвий ниятга мос вазнда ёзилган.

2. Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Бокирғоний шеърларидаги услуб ва мазмунни давом эттиришга ҳаракат қилиш, улар яратган асарлардаги тил ва вазн хусусиятларини ҳам сақлашга олиб келган. Жумладан, Яссавийдан сўнгги даврларда яшаган ўзбек шоирлари асосан аруз вазнида ижод этишни анъанага айлантиришига қарамай, Сўфий Оллоҳёр бармоқ вазни имкониятларидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилди.

3. Сўфий Оллоҳёр ўзига хос бадиий маҳоратга эга бўлган шоирдир. Унинг бадиий маҳорати, хусусан, поэтик образлар ҳамда бадиий санъатлардан фойдаланишида кўринади.

Хулоса қилиб айтганда, шоир яратган поэтик образлар сўфиёна ёки ҳаётий мақсадни ифодалашга хизмат қилмасин, улар ўзининг маънавий-маърифий, фалсафий, кўп маънолик ва ўқувчига эстетик қувват бериш хусусиятларига эгадир.

СЎФИЙ ОЛЛОҲЁРНИНГ ТОЖИКЧА ШЕЪРЛАРИ

Сўфий Оллоҳёр XVII аср ва XVIII аср бошларида мумтоз адабиётимиздаги зуллисонайнлик анъаналарини самарали давом эттирган йирик ижодкорлардан биридир.

Сўфий Оллоҳёрнинг форс-тожик тилидаги лирик мероси ҳақида сўз кетар экан, унинг ўзбек тилидаги ижоди каби маҳорат билан ижод қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қўйида шундай шеърларидан айримлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

***Чанд ҳарфи туро қунам изҳор,
Аз ақовили Сўфий Оллоҳёр.***

Оллоҳёр улуғлар бисотидан олиб сенга бир неча сўз изҳор қилай, деб бошланувчи шеъри устида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу шеърда инсонга ёт хислатлар ҳақида чуқур фикрлар билдирилган.

***Мухлиқоти кас аст жаҳлу ҳаво,
Ва ончи набуд ба ҳукми шаръ раво-***

Нодонлик, билимсизлик ва манманлик инсонга ҳалокат келтириб, шариат ҳукмида улар нораво саналади. Шаҳват нафси эса девга эргашиш бўлиб, ундан риёкорлик ва макру ҳийла иллатлари туғилади:

***Шаҳвати нафс пайрави дев,
Яъни чун иллати рийву рев.***

Сўфий Оллоҳёрнинг форсча шеърларининг бир қисми ижтимоий масалаларга бағишланган. Масалан, унинг қитъаларидан бирида шундай мисралар бор:

*Он чи бо жоғилон сифла диҳанд,
Бо бузургон ҳурдадон медиҳад?*

*Ба хасисон диҳанд неъматини ноз,
Аҳли дилро зи хонимон надиҳанд.*

*Ганжи шоҳи диҳанд ду нонро,
Ба асир беш ним нон надиҳанд.*

*Синаи пурдарди аҳли донишро,
Луқмонро ба толибон надиҳанд.*

Мазмуни: Жоҳил ва пасткашларга инъом қилинадиган яхши нарсалар билимдон улуғларга насиб қилмайди. Хасислар ноз-неъмат эҳсон қилингани ҳолда аҳли дилларга ҳеч нарса бермайдилар. Пасткашларга шоҳона хазиналар насиб этгани ҳолда муҳтожларга яримта нон ҳам раво кўрилмайди. Дониш аҳлига дардли сийна берилиб, толибларга бир луқма егулик ҳам берилмайди. Шеър давомида шоир эгри оёқ кишиларнинг ошиғи олчилигини, тўғри йўлдан чиқиб кетган жоҳиллар ҳам фаровон яшаётганлари ҳақида таассуф билан фикр юритади.

Сўфий Оллоҳёр ҳаётга муҳаббат, дунёвий ишқни инкор этмай, ўлимни ҳадеб ёдга олаверишни сидқнинг, ихлоснинг комил эмаслигидан, илму амалнинг ожизлигидан деб билади. Шеърнинг баён услубидан англашиладики, шоир маънавий-маърифий, таълим-тарбиявий фикрларни баён этишда соф бадий тасвир йўлидан, ҳам панд-насихат тарзидаги дидактик йўналишидан муттафаккир шоирларга хос маҳорат билан фойдалана олган.

Орифона фикрлаш Сўфий Оллоҳёрнинг тожик тилида битилган ғазалларига ҳам хос хусусиятдир. Унинг ўзбекча ғазалларида нақшбандийлик таълимотига содиқлик ва издошлик руҳи борлиги билан ажралиб туради. Шоир тожик тилида битилган ғазалларида ҳам нақшбандия тариқатига содиқликни сақлаб қолади.

Чунки, бу таълимот унинг дунёқараши ва эътиқоди белгиси эди. Шоир ёзади:

***Умрҳо бигзашт, Оллоҳёр, ман баъд аз каман,
Нақши пойи содиқон шав дар тариқи нақшбанд.***

Мазмуни: Умрлар ўтди, эй Оллоҳёр, бундан кейин ҳам нақшбандия тариқа - тидаги содиқларнинг нақши пойи бўл.

Қўлни меҳнатга, дилни Оллоҳга боғлаш тариқати Сўфий Оллоҳёр ғазалларида етакчи мавзудир. Шоир ўзи яшаётган ҳаётда, муҳитда Ҳақ ишқида фидойи бўлмаган кишиларни, маърифатдан йироқ шахсларни кўриб кийналади:

***Манзилам дур аст, дар роҳ уқбаҳо афтода аст,
Бори занжири тааллуқҳо баҳо афтода аст.***

Мазмуни: Манзилим узоқ, охиратга олиб боровчи йўлим укубатлардан заифлашган, унга алоқадор занжирларнинг кўпи узилиб кетмоқда.

Бу байтда ҳаётдаги кишилар ўз охиратини ўйламаслиги, натижада боқий дунёда жавоб бериш масъулияти йўқолганлиги ўзининг поэтик ифодасини топган. Шоир уни образли тарзда таърифлашга эришади. Сўфий Оллоҳёр охиратга борадиган йўлда инсонни оздирган қора кучни шайтоний нафс деб билади:

***Менадонад кас аз ин манзил саломат жсон барад,
Дар раҳи мо нафси шайтони ҳаво афтода аст.***

Мазмуни: Инсон билмайдики, бу манзилда қачон жонга саломатлик бўлади, бизнинг йўлимизга инсонни тўғри йўлдан оздирувчи шайтоний нафси ҳаво тушгандир.

Ориф киши учун ҳаётда тўғри йўл Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари ва унинг Оллоҳга бўлган муҳаббати йўлидир. Шу сабабли Сўфий Оллоҳёр лирик қаҳрамони ҳам шу йўлни танлайди. Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётидаги илоҳий ҳол билан ўз тақдирини боғлайди, атрофидаги дўсту-қадрдонларидан ажралиб, пайғамбар суннатларини ўз зиммасига олади:

*Алвидо, эй дўстону ҳамнишинон, алвидо,
Бар сарам савдои хоки Мустафо афтода аст.*

Мазмуни: Алвидо, эй дўсту кадрдонлар, алвидо, бошимга Мустафо хокининг савдоси тушди.

Юқоридаги қисқа кузатишларимиздан Сўфий Оллоҳёр форс-тожик тилида ёзилган шеърларида ҳам моҳир лирик, донишманд муттафаккир, етук файласуф ижодкор сифатида кўзга ташланиши аён бўлади. Муттафаккир шоир Сўфий Оллоҳёрнинг ўзбек ва форс-тожик тилида каттагина шеърӣй мероси мавжуд. Унинг форс-тожик тилидаги мероси ҳам ўзбек тилидаги асарлари каби алоҳида қимматга эга.

МУРАББАЪЛАР

Мураббаъ тасаввуф адабиётининг етакчи жанрларидан биридир. Аҳмад Яссавӣй ва Сулаймон Боқирғонӣй ҳикматлари ҳам шу шеърӣй шаклда яратилган. Маълумки, мураббаъ ҳар банди тўрт мисрадан иборат шеърӣй жанр бўлиб, у мумтоз адабиётимизда қадимӣй анъаналарига эга ҳамда халқ оғзаки ижодидаги асосӣй шакл ҳисобланади. Шу сабабли бу оммавий шеърӣй шаклдан фойдаланиш фикрни ифодалашда ўзига хос қулайлик туғдиради. Бу масалани адабиётшунос Н.Маллаев бошқача шарҳлайди: «Девони ҳикмат» даги бир неча ғазални мустасно қилганда, девон мураббаъ шаклидаги шеърлардан ташкил топган. Бандлари тўрт мисрадан ташкил топган шеър турк, ўзбек халқ оғзаки ижодида (айниқса кўшиқларда) ва ёзма адабиётда кенг тарқалган. Яссавӣй ва унинг издошлари, ўз динӣй ва тасаввуфӣй маслақларини хат-саводи бўлмаган халқ оммаси ўртасида кенгроқ тарқатиш мақсадида, атайин тўртлик-кўшиқ формасидан фойдаланганлар⁹».

Мураббаъдан фойдаланган Аҳмад Яссавӣй, Сулаймон Боқирғонӣй ёки Сўфӣй Оллоҳёр фақат динӣй ва тасаввуфӣй маслақларини ифодалашни мақсад қилиб олган, бизнингча, ҳақиқатга тўғри келмайди, албатта. Чунки мураббаъ ўзбек мумтоз

⁹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёт тарихи. 1 китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1976 йил, 158-бет.

шеърятининг ҳамма вакиллари ижодида қўлланилганидек, у ҳозир ҳам поэзиямиздаги етакчи жанрлардан бири ҳисобланади.

Сўфий Оллоҳёр шеъриятида ҳозирча икки мураббаъ мавжудлигини аниқладик. Унинг ҳар иккаласи ҳам «кетти» радифи билан яратилган бўлиб, шоир уларнинг бирига «Бу назмни китоб ўз нафсларинг қилғонлари» деб атайди. Мураббаълар бир қанча банддан иборат бўлиб, 60 мисрани ташкил этади. Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний ҳикматларида шоирлар ўз номларини мураббаънинг дастлабки сатрларида келтириб, ўзлари мурожаат этишади. Оллоҳёр ҳам бу анъанадан фойдаланган:

*Оллоҳёр, эл қўби шошиб кетти,
Дарёлар ўтиб, уқбалар ошиб кетди.
Сан мунда нечук тоқат этуб тургайсан?
Ҳамроҳларинг санга қарашиб кетти.*

*Оллоёр, ўзин билур кас кетти,
Ҳар ердаки мардум суханрас кетти.
Шаҳбозлар илгари талаб қилганда,
Фарёдки, толеинг қуши нас кетти.*

*Оллоёр, вазъи нишонлар кетти,
Рухсораси ринду, бағри қонлар кетти.
Сан мунда нечук тоқат этуб тургайсан?
Сирдош ёронларингни, онлар кетти.*

Мураббаъдаги фикрларни илғаш, тушуниш тасаввуф таълимоти билан мукамал танишмоқни тақозо этади. Шеърнинг ғояси «кетти» радифига юклатилган бўлиб, «кетмоқ» шоирнинг бутун руҳий кечинмаларини, мақсад-идеаллари нимага қаратилганлигини очишга хизмат қилади.

Имом Ғаззолий сўфийликнинг туб моҳияти ва аввали жондан кечмоқлик, жонфидалиқдир, деб уқтиради. Жондан кечишга қудрати етмаган киши сўфийликни даъво қилиши шарт эмас. Имом Ғаззолий бандалик ҳақида фикр юритар экан, у уч асосдан иборат эканлигини ёзади: «Биринчиси-шариат ишларини давом эттириб, ҳимоя қилмоқ; иккинчиси-Оллоҳнинг тақдири азал ва қазои қадарига итоат этмоқ; учинчиси-Оллоҳнинг розилигини

талаб, нафс рози бўладиган нарсаларни Имом Ғаззолий бандалик маъниси ҳақидаги фикрларининг иккинчи ва учинчи асослари билан боғланади. Биз келтирган мураббаъ парчасининг учинчи бандида шоир «вазъ» сўзига ҳам алоҳида урғу беради. Тасаввуф таълимотига кўра вазъ ҳам айтиш воизнинг банданинг охиратини эслаб, Оллоҳ ҳузурида ўзининг ожиз эканлигини ҳис эттиришдир. Имом Ғаззолий вазъ тушунчасига тасаввуфона изоҳ берар экан, ўз ўғлига шундай уқтиради: «...вазъ ўқишдан асосий мақсадинг халқни фоний дунёдан охиратга чорлаш, гуноҳдан ибодатга, очкўзликдан парҳезкорликка, бахилликдан саховатга, охират гумонидан комил ишончу эътиқодга, ғафлатдан хушёрликка, кибрдан таквога даъват этмоқ бўлсин. Ва мардум қалбига охират ишқини жо-бажо эт, ўткинчи дунёга кўнғил бермаслик ва ибодат йўллари йўрат!¹⁰».

Мураббаънинг иккинчи сўзини ўз нафсига хитоб тарзида битади ва бунда «кетти» сўзига ўзининг ғоявий ниятини ифодалаш услубини сақлайди. Шоир нафсга хитобида бандаликнинг учинчи асоси-Оллоҳнинг розилигини тилаб, фоний дунё неъматларидан умидни узиш, нафс эҳтиёж сезадиган нарсаларни тарк этиш ва сўфийликнинг талабларини бажо келтириш лозимлигини ифодалайди.

*Афсуски, қафила-қафила қароси кетти,
Савти жараси можароси кетти.
Биз ғаминдалар ким била суҳбат қилалук,
Нон ютгувчи яхишлар сараси кетти.*

*Минг нолаи афгон ила булбул кетти.
Қай қўз билан дунёни тамоша қилалук,
Эл зубдаси асҳоблар тугал кетти.
(охирги қатори қўлёзма мамбада йўқ)*

¹⁰ Ғаззолий Муҳаммад Абу Ҳомид . Ихё улумид –дин. Араб тилидан Мансур Абдулазиз таржимаси. – Т.: «Ёшлик» журнали, 1990 йил 6 – сон, 70 – 71 – бетлар.

Сўфий Оллоҳёр бошқа жанрлардаги сингари мураббаъларида ҳам дунёнинг фонийлиги, унга ҳою-ҳавас қўйиш ориқчалигини эслатади.

МУХАММАС МАКТУБЛАР

Сўфий Оллоҳёр шеъриятида мухаммас шеърини шакли ҳам етакчи ўринни ташкил этади. Ҳозирча унинг 6 та мухаммаси маълум бўлиб, улардан тўрттаси ўзбекча, икkitаси тожик тилида битилгандир. Сўфий Оллоҳёрнинг бизгача маълум бўлган мухаммаслари тахмис хусусиятларига эга бўлмай, уларнинг ҳаммасини шоирнинг ўзи яратгандир. Бу мухаммасларни уч рутухга: а) автобиографик характердаги мухаммаслар: б) тасаввуф ғоялари акс этган мухаммаслар ; в) реал ҳаёт манзаралари акс этган мухаммасларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Сўфий Оллоҳёрнинг автобиографик хусусиятга эга бўлган мухаммаслари бевосита ҳаёт ҳақиқатига асосланган бўлиб, шоир ўз ҳаёт йўлини шундай ифодалайди:

*Ўтти умрим бир неча кун ринду шайдолиг билан,
Пораси ҳам бўлди барҳам олигу солиг билан.
Қуввати ашрафни сарф эттим азалиг билан,
Ҳайф ўшал овқотики, зоеъ кечти расволиг билан,
Охират асбоби маътал қолди дунёлиг билан.*

*Кош тавфиқим ҳақими қилса дардим чораси.
Битса доруйи муҳаббат бирла кўксум ёраси,
Тавба собуни била кетса юзумни қораси,
Қайдадур халқ ўғлида мандек жаҳон овораси,
На сипоҳийлиг билан бўлдум, на муллолиг билан.*

Келтирилган парчада умрини айш - ишратда ўтказган қаҳрамон ҳаётининг мазмунсизлигини англаб етиб, сўнгра пушаймон бўлганлиги тасвирланади. Бундай тасвир бевосита шоир Сўфий Оллоҳёр ҳаётининг йигитлик йилларига тўғри келади. Шоир ҳаётда илмда киши сифатида танилгач, уни Бухоро хони божгирлик вазифасида ўтказади. Бу вазифа сипоҳлик даврида айш - ишратга

берилгани, олиқ - солиқ ишларида қатнашгани ҳаёт ҳақиқатидир. Ҳаётининг бу даврлари беҳуда ўтганлигини англаш ва ҳис этиш эса унинг тақдирида янги бир саҳифа очилганлигини кўрсатади. Бу Сўфий Оллоҳёрнинг муршид Ҳабибуллоҳ ҳузурига бориши эди. Шоир ўз ҳаётининг дастлабки давридан қоникмас экан, ўтган вақтларига ачинади, ҳаётда кўп гуноҳ ишлар – расволиғларга дучор бўлганидан афсусланади. Албатта, инсон ўз гуноҳини англаб етиши, элга қилган жабр -зулмини тушуниб, элнинг юзига қай йўсинда қарашидан ўзи уялиши ҳам унинг қомиллик даражасига етиб бораётганлиги белгисидир. Лекин бу айблар юздаги доғ ёки кир бўлса, уни совун билан ювиб кеткизиш мумкин. Афсуски, бу юзи қаролиғ дилдаги доғ, оғир гуноҳдирки, уни ювишнинг иложи топилмайди. Мухаммасда шоир ўз ҳаёт йўли орқали ўзгаларни тўғрилиққа, софлиққа, умрини халқ турмушига фойда келтирадиган ишларга сарфлашга чакиради.

Маълумки, Сўфий Оллоҳёрнинг атрофданилари билан гапи қочиб, ўз юртидан аразлаб, Ҳисор воҳасига бориб қолган. Шоирнинг «айлади» радифли мухаммасидан олинган қуйидаги бандда ана шу ҳаёт ҳақиқати ўз ифодасини топган.

***Айладим ҳарчанд насиҳат, ул гулруҳа бешумор,
Кирмадилар ҳеч ислоҳа у қавми бадишор,
Ул гуруҳи, муфд авбошидин эттим қарор,
Бу сабабдин озими жониби мулки Ҳисор,
Бошима мискин, омий жой душвор айлади.***

Парчадаги тасвирлардан аён бўлишича, шоирнинг қавмлари ўртасида қандайдир ихтилоф пайдо бўлган. Улар гуруҳларга ажралиб, бир-бирлари билан можарога боришган. Сўфий Оллоҳёр Ҳисор мулкига кетишининг сабабини қавмлари насиҳатиға қулоқ солмаганида деб ҳисоблайди.

Сўфий Оллоҳёрнинг бошқа бир муҳаммаси мактуб тарзида битилган бўлиб, у мантиқий жиҳатдан юқоридаги муҳаммасга боғланади. Унда ўз жигаргўшаларидан узоқда яшаган шоирнинг соғинч туйғулари битилган:

***Жигарбандим, азизим, меҳрибоним,
Дилим, жоним, тамури, устухоним,***

*Бериш айвонида Ҳотам ножоним,
Уруш майдонида Рустам иноним,
Нечук тушинг аларнинг орасига.*

*Равон саврим, гулим, богим, баҳорим,
Отам бирла онамдан ёдгорим,
Яқин бил эй улуғим ифтихорим,
Бошим, молим, таборим, ҳарна борим,
Кўрубман хоотири ғампорасига.*

*Сенга етган машаққат, эй эмукдош,
Бу мискин жонига бўлғай эди кош,
Эшиттим, барча қилган ишларинг фош,
Чикар ҳар лаҳза бағрим чашиминин ёш,
Қизил қондур оқур рухсорасига.*

Мухаммасда «Келибман зор айлаб Қаршию Косон» каби сатрлари мавжудлиги шоир бу шеърни ўз оғайнилари орасидан кетганидан сўнг битганлигини кўрсатади. Шеърнинг мазмуни биринчи мухаммасда тасвирланган қавм бошлиқлари ўртасидаги можарога боғланади. Шоир шеърда Ҳотам деган кишининг номини тилга олади (бу шоирнинг акаси Фарҳод Оталиқ). У шеър тасвирига кўра қавм ўртасидаги можарода иштирок этган, жанжаллашаётган гуруҳ орасига тушиб, айбланган, жабр чеккан киши ҳисобланади. Сўфий Оллоҳёр ўз элидан узоқда яшаб, бу воқеадан хабар топаркан, бағри эзилди, туғишган оғасининг холини сўраб, юқоридаги мисраларни битган. Сўфий Оллоҳёрнинг бу мухаммас - мактуби икки жихати билан аҳамиятлидир. Бу асар биринчидан, кишилар ўртасидаги меҳр - оқибат, соғинч туйғуларини шаклларига хизмат қилса, иккинчидан, шоирнинг таржимаи холини ёритиш ҳамда у яшаган давр тарихий манзараларини чизишга ёрдам беради.

ТЎРТЛИК - МУНОЖОТЛАР

Шарқ лирикасининг анъанавий жанрларидан бири тўртликлардир. Унда фалсафий - дунёвий, ижтимоий- сиёсий, ишқий - ахлоқий мавзулардаги тугал бир ғоя тўрт мисрага

сингдирилади. Унда шоирнинг кечинмалари, ўй қарашлари биринчи ўринда туради.

Муттасаввуф шоир Сўфий Оллоҳёр мазмунан ва шаклан рубоий жанрига ўхшаш ҳароратли тўртлик - муножот шеърлар ҳам яратган, бироқ вазн нуктаи назаридан ихтилофлар борлиги учун биз уларни рубоий эмас балки тўртлик шеърлар деб атадик. Шоир «Сабот ул - ожизин» номли асарига 18 тўртлигини киритган. Шоир муножот мазмунидаги тўртликлари орқали оллоҳга тавба - тазарру, ундан ёрдам, кечирим сўраш илтижосини баён қилади. Сўфий Оллоҳёр тўртликлари бу жиҳатдан 3 хил кўринишга эга.

1. Шоир тўртликлари «Сабот ул – ожизин» асарининг хотима қисмида келтирилади. Бунинг боиси шундаки, асарда баён этилган маънавий – маърифий фикрлар, ғоялар тўртликда ўзининг лирик ифодасини топади. Шоир «Сабот ул - ожизин» даги турли поэтик тасвирлар, фоний ва боқий дунё ҳақидаги қарашлар, инсоннинг фоний дунёдаги гуноҳ ва савоб ишлари тўғрисида тўртликларида тегишли хулосаларга келади ва уларни ўқувчида ҳис - туйғу уйғотадиган тасвирлар орқали беради. Шунингдек тўртликларда лирик қаҳрамоннинг тавба – тазаррулари, илтижолари, кучли ҳаяжонланиш, фоний дунёда гуноҳ ишларга қўл урганидан афсусланиш каби туйғулари ифодаланади. Масалан, биз «Сабот ул -ожизин» да у дунёдаги тарози, кўприк ҳақидаги эпик тасвирларни ва хикояларни ўқиймиз. Тўртликларда бундай эпик тасвирлар берилмайди, албатта. Лекин Сўфий Оллоҳёр ўша тасвирдаги воқеаларга ишора қилиш билан фоний дунёда гуноҳга ботган банданинг дўзах азобига тушиш ҳолатини гавдалантира олади. Биринчидан, бундай тасвир тўртликларнинг «Сабот ул -ожизин» асарининг тугалланмаси вазифасини ўтаганлигини эслатса, иккинчидан Сўфий Оллоҳёр ўзига хос юксак бадий маҳорат эгаси эканлигини ҳам ойдинлаштиради:

*Холиқо, кам изладим кўйи амал,
Яхшилардек юрмадим сўйи амал,
Сан карам, бирла қиёмат даштида,
Айлагил оғир тарозуи амал.*

*Холиқо дийдамга ашки жори бер,
Кўнглима доир муҳаббат ёри бер.*

***Оби кавсардин мани сероб этиб,
Ҳам яна кўприк ўтарда ёри бер.***

Амал инсоннинг ўз тириклигида бажарган ишлари мажмуидир. «Сабот ул - ожизин» тасвирига кўра, Тангри инсоннинг фоний дунёдаги амалларини билиш учун уни тарозига солиб ўлчайди. Тарози ва кўприк воқеалари мантиқан бир-бирига боғланади. Фоний дунёда яхши амал ишларни бажармаган банда Пулсирот кўпригидан ўтолмайди, жаҳаннам сари йиқилади. Ҳар икки рубоий тўртликнинг ҳам асосий ғояси инсонни тириклик вақтида яхши амалларини бажаришга, боқий дунёда тарози ва кўприк олдида маъсулият сезишга даъват этади.

2. Жанр талабига кўра тўртлик - муножот мустақил асар ҳисобланади. Лекин мавзу йўналишига кўра улар туркумлашиб келиши мумкин. Сўфий Оллоҳёр тўртликларини ҳам бир мавзу тасвирланган туркум тўртликлар, деб ҳисоблаш учун асослар бор. Биринчидан, бу тўртликларни мантиқий йўналишлари битта. У ҳам бўлса ҳаёт кечираётган инсоннинг Оллоҳга тавба – тазаррусини акс эттиришига, уларнинг фоний ва боқий дунё ҳақидаги кечинмаларини ифодалашга қаратилган. Иккинчидан, тўртликлардаги тасвирлар бир лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари натижаси ҳисобланади. Шунга кўра Сўфий Оллоҳёр яратган 18 тўртлик - муножот ўзининг мантиқий боғланиши ва яхлит бутунлигига эгадир.

Тўртликлар туркумининг биринчи қисмида шоир лирик қаҳрамоннинг фоний дунёдаги амаллари тасвирини беради. Туркумнинг иккинчи қисмида худосизликдан комиллик даражасига етишган қаҳрамон боқий дунёда кутилаётган азоблардан саросимага тушади. Бу йўлда Оллоҳдан мадад сўрайди. Комиллик даражасига эришуви учун ўзига илоҳий мансаблар топади, инсон тўғри амалларни бажаришнинг бош асосларини Худонинг инояти ва Муҳаммад алайҳисаломнинг шарофати деб тушунади:

***Холиқо, туз айлагайсан роҳимиз,
Мустажаб эткил дуою оҳимиз.
Тонгла ҳайрон бўлса халқ ўз ҳолига,
Мустафони қил жафоатҳоҳимиз.***

*Холиқо, лутф эт гадойи зоринга,
Бандадурман розиман ҳар корингга,*

*Мағфират дарёсига ғарқоб этиб,
Кўзларим шойиста қил дийдоринга.*

3. Сўфий Оллоҳёр яратган тўртликлар туркуми автобиографик хусусиятга эга. Шоир тўртликларининг айримлари беҳисоб гуноҳ қилган банда сифатида ўз номини тилга олади:

*Холиқо, тутдум фароғат хобини,
Истадим доим жаҳон асбобини,
Гарчи Оллоёр эрур ғарқи гуноҳ,
Оч анга ўлганда раҳмат бобини.*

Оллоҳни унутиш, айш - ишрат ва фароғат уйқусига берилиш, турли хил баҳоналар билан ахлоқий - маънавий даъватлардан чекинишни фақат Сўфий Оллоҳёр шахсияти билан боғлаш ҳам бирёкламалиқдир. Бадий адабиёт умумлашмалик хусусияти ва қонуниятига эга бўлганидек, бу тўртлик Оллоҳёр учун бир восита сифатида хизмат қилмоқда. Агар автобиографик хусусияти билан Сўфий Оллоҳёр ўзидаги гуноҳлар учун Тангри олдида тавба тазарру қилса, бадий асар қонуниятига кўра унинг ана шу тазаррусида ҳаётдаги минглаб мусулмончиликни унутган, лекин у дунё талабларидан кўркувга тушиб, яна унинг талаб қонунларини бажаришга киришган, ўз гуноҳларини Яратгувчидан кечиришни сўраётган бандаларнинг кечинмалари умумлашади, «Гарчи Оллоҳёр эрур зору забун» мисраси билан бошланувчи тўртлигида ҳам ана шундай кечинмалар умумлашган.

Сўфий Оллоҳёрнинг тўртлик туркумидаги муножот шеърларида автобиографик хусусиятли тўртликлари борлиги эътиборни тортади. Қуйида шундай тўртликни келтириб ўтамыз:

*Холиқо, ё аввало, ё охиро,
Нафси шайтон жонима бўлди бало,
Гарчи Оллоёр ўтарчидур ямон,
Қўймагил душман қўлига мубтало.*

Сўфий Оллоҳёрнинг ҳаёти ўрганилган манбаларда унинг туғилган жойи ва у мансуб уруғнинг номланиши тўғрисида икки хил қарашлар мавжуд. Сўфий Оллоҳёр ҳақидаги баъзи мақоладарда унинг туғилган жойи ва уруғи Минг деб кўрсатилса, шоирнинг шеърларида «Ўтарчи» уруғи ва қишлоғи ўрнида ишлатилади. Юқоридаги «Гарчи Оллоёр ўтарчидир ёмон» сатрида ўтарчи икки маънода қўлланилади, биринчисида «ўтиб - қайтувчи» маъносини англатса, иккинчисида уруғ ва жойни билдиради, зотан, Иштихоннинг Минг қишлоғидан узоқ бўлмаган жойда Ўтарчи қишлоғи ва уруғи борлигини биламиз. Шунга кўра шоир ғазал ва тўртликларида «Ўтарчи» сўзининг ишлатилиши адиб таржимаи холини аниқлашда биринчи манба бўлиб хизмат қилади.

Сўфий Оллоҳёр тўртликларини бир бутунликда таҳлил этиш унинг ўзига хос композицион қурилиши - лирик қаҳрамон кечинмаларининг, тавба – тазарруларининг жойлашиш ўрни ҳам мавжудлигини кўрсатади. Аввало унда биз ҳаётда кўп ёмон йўللарга кириб, сўнгра худони таниб диний - маърифий ғоялар билан ақл ва кўнглини поклаб, комиллик даражасига эришган инсонни кўрамыз. Шу сабабли унинг кўз ўнгида умр йўли, қилган амаллари намоён бўлар экан, Яратувчи олдида гуноҳлари борлигидан ўзини айбдор сезади.

ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР

Ўзбек адабиёти тарихида ўзининг ранг-баранг жанрларидаги асарлари билан муносиб из қолдирган шоирларнинг бири Сўфий Оллоҳёрдир. Шоир шеъриятининг мавзу кўлами кенг бўлиб, унинг ғоявий - бадиий қимматини белгилаш кўп жиҳатдан поэтик санъатлар талқинига боғлиқ. Истиклолга қадар Сўфий Оллоҳёр ижоди ўзбек адабиётшунослиги эътиборидан четда қолиб келганлиги сабабли, шоирнинг бадиий маҳорати тўғрисида ҳам сўз юритилмаган. Эндиликда, у юксак истеъдот сифатида тан олинмоқда. Бунинг боиси энг аввало, шоир ўзига хос адабий услуб ва юксак бадиий таъсир кучига эга ифода воситаларини маҳорат билан қўлланганлигидандир.

Маълумки, шеърий санъатлар маънавий ва лафзий санъатларга бўлинган. Маънавий санъатлар поэтик матнда сўзнинг

маъно товланишига эга бўлиб, улар бадиий тилнинг тасвирий воситалари ҳисобланади. Ихом, тажохули ориф, талмех, тамсил, лаф ва нашр, муболага, ташбеҳ, эътироз, илтифот, муаммо, луғз кабилар маънавий санъатлардир. Лафзий санъатлар эса маънонинг шаклига, адабий сўз ўйинларига, қайтаришларга асосланади.

Талмих. Бу санъатининг ўзига хос хусусияти тўғрисида Атоуллоҳ Хусайний шундай ёзади: «Талмих каломда машҳур қисса ё машҳур нодир шеър ёки машҳур мақолга ишорат этмактин ибораттур¹¹». Демак, бу санъат талабига кўра шоир тарихий, афсонавий воқеаларга, масалаларга, машҳур қаҳрамонлар образига ишора қилиш йўли билан ўз фикрини кучайтириб ифодалайди. Сўфий Оллоҳёр шеъриятидаги қўлланилган талмихларнинг кўпчили Қуръон образлари ва сюжетидаги тасвирларни ифодалашга қаратилган. Шоир ёзади:

*Сўзи авло, феъли аъло кони тамкину ҳаё,
Хусни Юсуф, ёши Яхё, лутфи Исоворсан.*

Байтдаги Юсуф, Яхё, Исо номлари талмихдир. Бу образларга Шарқ поэзиясида анъанавий образ сифатида кўп мурожаат этилган. Юсуф образи Қуръонда келтирилган бўлиб, махсус «Юсуф» номидаги сура ҳам мавжуддир. Бу сурада Юсуф ҳақидаги қисса «Қиссаларнинг афзали» дейилади. Сўфий Оллоҳёр Юсуф образини Шарқ адабиётидаги анъанавий тасвирларга хос гўзаллик тимсоли сифатида поэтиклаштиради. Яхё пайғамбар халқни Худо йўлига солган ва дарёда чўмилтириб тавба-тазарру қилдирган экан. Рабғузий «Қиссаси Рабғузий» да Яхёнинг онаси Исонинг онаси билан қариндош эди, деб ёзади ва у билан боғланган ривоятларни келтиради. Яхё пайғамбарбар бадиий адабиётда саҳийлик белгиси сифатида тасвирланиб келинган.

Исо алайҳиссалом образи Шарқ адабиётида кенг тасвирланган. Бу образ турли талқинларда раҳмдил, ўликни тирилтирувчи, мулоим ва марҳаматли пайғамбар сифатида

¹¹ Ғаззолий Муҳаммад Абу Ҳомид. Ихё улумид –дин. Араб тилидан Мансур Абдулазиз таржимаси. – Т.: «Ёшлик» журнали, 1990 йил 6 – сон, 70 – 71 – бетлар.

кўринади. Сўфий Оллоҳёр келтирилган байтда Яҳёни сахийлик, Исони эса раҳмдиллик тимсоли сифатида тасвирлаган.

***Кўрк учун тушти зулоли лаъла мушкин хатту хол,
Тутди суҳбат Хизр ила Кавсар қирғозинда ҳилол.***

Бу байтда Хизр ва Кавсар талмихдир. Шоир бу икки талмихни ҳилолнинг боқийлигини, ҳаётда доимийлигини поэтиклаштириш ниятида келтиради. Маълумки, Хизр исломда доимий барҳаёт пайғамбар сифатида келтирилади. Рабғузий ўз асарида Хизр алайҳиссалом ҳақидадаги ривоятлардан келтирар экан, ёзади: «Хизр маъниси яшил бўлур. Қаю тош узра Хизр алайҳиссалом ўлтирса ул тош яшарур эрди. Анинг учун Хизр аталди. Айтмишлар: Қаю ерда ўлтирса ул ер кўкарур эрди». Кавсар эса диний таълимотга кўра жаннат булоғи. Сўфий Оллоҳёр шеъриятида талмих санъатига айланган пайғамбарлардан яна бири Сулаймон алаҳиссаломдир. Шоир ёзади:

***Аз нуфуси сер ояд файзи субҳоний бадаст,
Мўр будам кардаам тахти Сулаймоний бадаст.***

Бу байтда Сулаймон алаҳиссалом ва чумолилар билан боғлиқ ривоят назарда тутилмоқда. Рабғузий келтирган ҳикояга кўра, Сулаймон бир куни тахтида ўтирган эди, унинг тахтини кутилмаганда ел кўтаради. Аскар ва лашкарлари тахт остида юрар эди. Маълум бўлишича, унинг остини тўла чумоли қоплаб олган эди. Юқоридаги байтнинг «Мўр будам, кардаам тахти Сулаймоний бадаст» (Чумоли эдим, Сулаймон тахтини қўлимга олдим) мисрасида ана шу ривоят ўз ифодасини топган. Сўфий Оллоҳёр лирикасида пайғамбарлар номи билан боғланган талмихларда Муҳаммад алаҳиссалом ва унинг чоҳорёрлари Абу Бакр, Умар, Усмон, Ҳайдар Али билан боғланган сатрлар ҳам мавжуд. Сўфий Оллоҳёр лирикасида афсонавий халқ қаҳрамонлари номи билан боғланган талмихлар ҳам учрайди. Шоир бир мухаммасида ёзади:

***Жигардандим, азизим, меҳрибоним,
Дилим, жоним, тамури, устихоним,
Бериш айвонида Ҳотам нишоним,***

*Уруш майдонида Рустам иноним,
Нечук туштинг аларнинг орасига.*

Рустам образи туркий ва форсий халқларнинг оғзаки ижодида, шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида жасур қаҳрамон, жангда жасорат кўрсатадиган ботир сифатида улуғланади. Сўфий Оллоҳёр бу бандда ўз туғишгани Фарҳод Оталиқ ҳақида фикр юритар экан, уни Рустамга тенглаштиради.

Ташбиҳ. Маълумки, бу санъатда сифати ва бирор хусусияти билан ўхшаш бўлган икки ёки ундан ортиқ нарса, воқеа ва ҳодиса ўхшатилади, қиёсланади. Атоуллоҳ Ҳусайний эса «Ташбиҳ етти турдир»¹², деб таъкидлайди. Демак, ташбиҳ бадиий адабиётда кенг қўлланилган ва илмий – назарий жиҳатдан ҳам кўп ўрганилган санъат ҳисобланади.

Бу санъатнинг назарий илмий қирралари адабиётшуносликка оид махсус тадқиқотлар ҳамда дарслик қўлланмаларда асослаб берилган. Жумладан, А.Ҳожирахмедов бу бадиий санъатнинг ўзига хос хусусиятини шундай тарифлайди: «Ташбиҳ - Шарқ адабиётида кенг тарқалган санъатлардан бири бўлиб, «ўхшатиш» маъносини ифодалайди. Икки нарса ёки тушунчани улар ўртасидаги ҳақиқий (реал) ёки мажозий муносабатларга кўра ўхшатиш санъатидир. Ташбиҳ санъати тасвирланаётган шахс, буюм ёки тушунчани ўқувчи кўз ўнгига аниқроқ, жозибалироқ гавдалантиришга хизмат қилиб, асар тимсоллари манавий қиёфасини ёрқинроқ очиш, бинобарин, шоир ғоясини ўқувчи онгига тўлароқ етказишга имкон беради»¹³.

Шарқ адабиётида ташбиҳнинг «ташбиҳи муфассал», «ташбиҳи мужмал», «ташбиҳи муяккад», «ташбиҳи киноя», «ташбиҳи маршрут», «ташбиҳи тасвия», «ташбиҳи измор», «ташбиҳи тафсил», «ташбиҳи акс», каби бир неча хиллари қўлланиб келинган. «Сабот ул ожизин» манзумаси таркибига кирган шерий асарларни синчковлик билан кузатиш Сўфий Оллоҳёр ташбиҳнинг бир неча хилларидан маҳорат билан фойдаланганлигини кўрсатади.

¹² Ҳусайний А. Бадойиъу-с санойи – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981 йил, 212 – бет.

¹³ Ҳожирахмедов. А. Шерий санъатлар ва мумтоз қофия.-«Шарқ» нашрети матбаа консерни бош тахрирати. – Т.:1998 йил,14-бет

«Ташбиҳи мутлак»- «аниқ ўхшатиш» бадий ижодда кенг қўлланилган усуллардан ҳисобланади. Санъатнинг бу турда ўхшатиш маъносини ифодаловчи гўё, сингари, - дай, - дек, монанд каби ёки қўшимчалар ишлатилган. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратайлик:

*Қўнгилда гусса қолмас бир чигитдек,
Етурсан янги уйланган йигитдек.
Ҳаво мисдек қизир, Ер ҳам темирдек,
Ғазаб қилган киши бўлғай қўмирдек.*

Келтирилган байтларда Сўфий Оллоҳёрнинг тасаввуфий қарашлари акс этган.

«Сабот ул ожизин» даги санъатлар орасида ташбиҳи тафсил ҳам алоҳида ўрин тутади. Маълумки, санъатнинг бу турида шоир дастлаб бир нарсани иккинчи бир нарсага ўхшатади. Сўнгра бу ўхшатишдан возкечиб ундан қайтгандек бўлади. Демак, ташбиҳи тафсил санъати тасвирни кучайтириш ва таъсирчан ҳолда бериш воситасига айланади.

Ташбиҳи тавсия-тенглаштирилган ўхшатиш ҳам фикрни таъсирчан ифодалашнинг усулидир. Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул ожизин» таркибига кирган тўртликларидан бирида ёзади:

*Ман гунаҳлик қул эрур ман, сан ғафур
Ман хатолик бандадур ман, сан Карим.*

Маълумки, тенглаштирилган ўхшатиш санъатида шоир ўзидаги бирор нарсани тасвирлаётган нарса ёки шахс билан қиёслайди. Шу асосда ўзига ва ўша шахсга муносиб ташбиҳ топади, келтирилган байтдаги ўхшатиш ана шу қонуният асосида қурилган.

Шеърятда ташбиҳлар ишлатилганда кўпчилик ҳолларда ўхшатилаётган нарса ўртасидаги восита тушиб қолдирилади. Ташбиҳнинг бундай усули қўлланилганда «ўхшайди», «гўё», «монанд», «-дек» каби сўз ёки қўшимчалар ўрнига аниқ ташбиҳлар келтирилади. Ташбиҳнинг бундай усули «ташбиҳи муяккад» деб номланади. Ташбиҳи муяккад фикрни аниқ ифодалаш-ўхшатиш белгисининг кучлилиги билан ажралиб туради. «Сабот ул ожизин» да бу поэтик санъатнинг ибратли намуналари мавжуд:

***Кўнгул мулкига бир олий сифатдур,
Муҳаббат боғи ганжи маърифатдур.***

Бу байтда муҳаббат боғи маърифат хазинасига ўхшатиляпти. Бу ўхшатиш воситасиз ҳолда берилиши сабабли у таъсирли ва ўхшатилаётган белгининг кучлилиги билан ажралиб туради.

Бинобарин, ташбиҳ фикрни бадий ифодалашда ўзига хос жозибадорликка эга. Сўфий Оллоҳёр ташбиҳнинг турли шакл ва усулларида маҳорат билан фойдаланар экан, энг аввало, сўзнинг таъсирчанлигини таъминлаш, бадий ғоянинг қувватини оширишни ният қилади. Бизнинг фикримизча, шоир ўз олдидаги ана шундай мақсадларга тўла-тўқис эришган. Зотан, «Сабот ул ожизин»даги шеърларнинг бадий жиҳатдан мукаммалиги шундан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда Сўфий Оллоҳёр ўз ижодида санъатнинг барча имкониятларидан моҳирлик билан фойдалана олган ва шунинг учун ҳам унинг шеърияти халқчилдир.

Тажнис. Маълумки, тажнис (ёки жинос) санъати туркий адабиётда жуда қадимдан қўлланилган бўлиб, у муайян бир фикр ёки образни таъсирчан ифодалашнинг воситаси ҳисобланган. Шеърий санъатларга доир илмий - назарий манбаларда тажниснинг « тажниси томм», «тажниси мураккаб», « тажниси ноқис», « тажниси зойид », « тажниси музориъ », « тажниси акс », « тажниси мукаррар », « тажниси хатти » каби бир неча турлари мавжудлиги қайд этилади. « Сабот ул ожизин» да тажниснинг мазкур барча турларидан фойдаланилганлиги шоирнинг истеъдоди, фикрий қўлами анча бақувват бўлганлигидан далолат беради.

Тажниснинг кенг қўлланилган турларидан бири « **тажнис томм** » дир. Ўзбек шеъриятида мавжуд туюқ жанири қофияларининг аксарий қисми шу санъат асосида қурилган. Унинг талабига кўра, қофияда шакл жиҳатдан бир хил, яъни тўлиқ бўлган сўзлар қўлланади. Масалан, қуйидаги байтга эътибор берайлик:

***Олур суҳбатда бир-биридин киши баҳр
Агар қун чашма бир булса булур баҳр.***

Баҳр тажнис ҳосил қилувчи сўз бўлиб, у тажниси томм усулида юзага келган. Байт ахлоқий-таълимий фикрга эга.

Тажнисли сўзлар инсоний фазилатларни очишга хизмат қилган. Бахр-бахра фойда маъносида ишлатилганда одамлар бир-бирининг суҳбатидан бҳра олиши, кўнглидан ҳар хил ғубор кетиб завкланиши ва озиқланиши таъкидланади. Шоир иккинчи тажнисли сўзда эса одамларни аҳилликда бирликка, жипслашиб яшашга даъвад этади. Яъни, чашма, булоқлар бирлашиб дарё, денгиз бўлганидек, одамлар ҳам худди шундай фазилатли бўлиши шоирнинг бадиий ниятига айланади.

«Сабот ул-ожизин» да кўп учрайдиган санъатлардан бири «**тажниси мураккаб**» дир. Тажниснинг бу тури томм (тўлиқ) тажниснинг бир шакли ҳисобланади. «Сабот ул-ожизин» да мураккаб тажнисларнинг икки шаклини учратамиз. Улардан бир қофияларда, иккинчи хили эса мисраларнинг таркибида келади.

1. Қофияда келган мураккаб тажнислар:

*Агар қилса киши лима ва лима,
Гирифтор бўлмагил ранжи алима.*

*Кел эй мўмин агар тарсанда бўлсанг,
Кўзингни сақлагил, ҳар қайда бўл санг!*

Дастлабки байтдаги биринчи сўзда шаклдош икки сўз , иккинчисида эса бир сўз таркибида келган. Лима-чора, тадбир, алима-эса алам, азоб, иккинчи байтда эса биринчи сўзда шаклдошлик бир сўз, иккинчисида эса икки сўз таркибида келган: бўлсанг (бўлмоқ)-бўлсанг (тош бўл, эътибор берма ва ҳоказо).

2. Мисралар таркибида келган мураккаб тажнислар:

*Ўқув бўлсанг ўқ ур нафсинг кўзина,
Қора чин қўз билан Мусҳаф юзина.*

*Оғир жисминг агар бўлсин десанг соғ,
Саноч оғзин сан оч албатта камроғ.*

*Ҳаром оз бўлса ҳам кўндир ёмони,
Самони бўлса ҳам билгил сам они.*

*Қора сангдир сани аслинг қорасанг,
Берибдурсан риё қони била ранг.*

*Ёлинг оқи асар қилмади хола,
У ёла кўр боқиб ҳар дам уёла.*

Юқоридаги байтларда ўқув (ўқимок) - ўқ ур (ўқ отмок), саноч (чарм халта, меш, тулум) - сан оч (сен оч), самон (самон, буғдой ёки арпа поясининг майдалангани) - сам он (уни заҳар деб тушуниш), қора санг (қора тош) - қарасанг(қарамоқ, боқмоқ), у ёла (ё сочга) - уёла (уялмоқ) мураккаб тажнислари қўлланилган.

Демак, юқоридаги таҳлиллар шундан гувоҳлик берадики, Сўфий Оллоҳёр тажнис санъати ва унинг ички қонуниятларини маҳорат билан эгаллаган ижодкордир. Шоир тажнисни фақат сўз ўйини ёки шаклий белги сифатида эмас, балки адабий санъат, фикрни таъсирли ва жозибали ифодалашнинг воситаси сифатида тушунади. Бу эса Сўфий Оллоҳёрнинг ўзига хос услуби ва поэтик маҳоратини ёрқинроқ очишга хизмат қилади.

Сажъ. Сўфий Оллоҳёр лирик меросининг катта қисмини ғазаллар ташкил этади. И.Сувонкулов шоир лирик мероси тўғрисида шундай умумлашма фикрни баён этади: "Шахсий китоб жавонимизда сақланаётган "Баёзи Аламкаш" номли китобда Сўфий Оллоҳёрнинг 73 та шеъри мавжуд. Яна бир муҳим томони Убайдулла Ислом ўғли Аламкаш Сўфий Оллоҳёрнинг 18 та шеърига мухаммас боғлаганлиги бўлди¹⁴". Олимнинг изохлашича, шоир ғазал ва қитъа жанрларида ижод этган. Убайдулла Аламкаш Сўфий Оллоҳёр ғазалларига мухаммаслар боғлаганлиги унинг ижодига бўлган қизиқиш салафлари ўртасида кучлилигидан далолат беради.

Сўфий Оллоҳёр ғазаллари орасида байтлар тўлалигича сажъ усулида яратилганлари ҳам мавжуд. Бу эса шоирнинг халқ оҳангларини пухта билиш, шеърнинг мусикийлигини таъминлаши, шу асосда шеърнинг эстетик таъсир кучини ошира олганлигини кўрсатади. Халқ оғзаки ижодидаги насрий асарларда сажъ санъатининг қўлланилиши ҳам ўқувчининг шу асарга бўлган эътиборини ошириш, унинг қалбида жўшқинлик, мусиқавийлик

¹⁴ Сувонкулов И. Сўфий Оллоҳёр. – Т.: Фан, 1995 йил, 24 – бет.

уйғотиш, энг муҳими, завқлантириш, шу асосда унинг шуурига асарда мавжуд ғояни сингдиришга қаратилган. Масалан, халқ эртаклари бежизга "Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан ..." каби узун сажълар билан бошланмаган. Сўфий Оллоҳёрнинг куйида келтириладиган ғазалида сажъ асарнинг бутун руҳиятига мусиқийлик таъминлай олган:

*Элим, халқим ичинда гарчи кўб кўзгим сирожим бор,
Вале гурбат ифи бўйнимга тушиди, не иложим бор.*

*Юрогим пора, бағрим ёра, ҳар манзилда сайёра,
Нетай чора насиб этгай диёра эҳтиёжим бор.*

*Жароҳатли таним, ҳасратугу кўнглум, қайғули бошим,
Паришон ҳолатим, ёшли кўзим, ўтлуғ мижозим бор.*

*Шабистоним, фиғоним, сўзи жоним, доғи ҳижроним,
Таним мағзи устухоним, кўзда бил ашки ажожим бор.*

*Матоъим дарду рахтим "ҳузн, хайлим ане зу шоҳи факр",
Мадорим фикру мулким, ранжу меҳнатдин хирожим бор.*

*Аламдин марҳамат, ғамдин фароғат, ғуссадин роҳат,
Надимдин салтанат ҳам масканатдин тахту тоғим бор.
Маломат – нусратим, озору қулфат – давлатим, бахтим,
Маззаллат иззатим, мундоғ саодатдин ривожим бор.*

*Мани афғор дерман зор ҳар шому саҳар бисёр,
Дегайму: бор Оллоҳёр отлиғ абдуружим бор.*

Энди ғазалнинг ҳар бир байтидаги сажъ ҳосил қилган сўзларни белгилаб чиқайлик: "элим", "халқим", "бўйним" (биринчи байт) сўзлари ғазал қофиясидаги "сирожим", "иложим"га ҳамоҳанг келган. Кейинги мисраларда ҳам байтнинг асосий қофияси билан боғланган ички қофия-сажъни ҳосил қилувчи сўзлар яратилган бўлса-да, кўпчилик байтларда байт қофиясидан ташқи ҳолатдаги қофиялар тизими ҳам яратилади. "юрагим пора", "бағрим ёра"

(иккинчи байт) бирикмасида биринчи - "юрагим" - "бағрим" ва иккинчи "пора" ва "ёра" сўзлари сажъни ҳосил қилган. Байтдаги бошқа сажълар "сайёра", "чора", "диёра" биринчи байтдаги сажънинг иккинчи қисмига қофияланган. "Таним", "қўнглим", "бошим", "ҳолатим", "қўзим" сўзлари эса ғазалнинг асосий қофияси - "мижозим"га боғланиб, сажъни юзага келтирган (учинчи байт). Кейинги байтдаги "шабистоним", "фиғоним", "жоним", "ҳижроним", "таним", "устихоним" сажълари ҳам шундай хусусиятга эга, яъни, ғазалнинг радифидан олдин келган "ажожим"га боғланган (тўртинчи байт). "Раҳтим", "матобим", "хайлим", "мадорим", "мулким" сажълари ҳам ана шундай тамойил билан юзага келган (бешинчи байт). "Аламдин", "ғамдин", "ғуссадин", "надимдин", "масканатдин" (олтинчи байт) сажълари кўпроқ инсоннинг рухий кечинмаларини ифодалашга хизмат қилган. Ҳатто байтнинг биринчи мисрасидаги "алам", "ғам", "ғусса" сўзлари бир мазмунга эга, яъни, синоним сўзлар бўлиб, уларнинг қайтарилиши маънони кучайтиришга хизмат қилган. "Маломат", "нусрат", "кулфат", "давлат", "бахт" "махаллат", "иззат", "саодат" - еттинчи байтда яратилган сажънинг ўзаги шундай. Улар бир туркумга, агар жоиз бўлса от сўз туркумига мансуб бўлиб, ўнга яқин қофиянинг ёнма-ён келиши сажъ тизимини ҳосил қилган ва шоирнинг маҳоратини кўрсата олган. Байтда шоир таъкидни кучайтиришга, шу асосда фикрнинг салмоқдорлигини ҳам оширишга эришган. Унинг фалсафий қарашларига кўра маломат бу давлат, озор - кулфат, давлат - бахт, мазаллат - иззатдир. Шоир ана шу тушунчаларни ўзи учун бахт деб тушунади ва уларнинг ҳамроҳлигида ўз саодатини кўради. Ғазалнинг охириги байти, мақтаъсида "афгор", "зор", "бисёр", "бор", "Оллоҳёр" сўзлари сажъ санъатини ҳосил қилган. Сажъ ҳосил қилувчи бу сўзларда ҳам шоирнинг рухий ҳолати, ҳаётдаги қийинчиликлар, ғам-ғуссасининг кўплигидан зорланиш ҳисси бўртиб туради.

Сўфий Оллоҳёр шеъриятида қўлланилган адабий санъатлар биринчидан, шоир Шарқ шеъриятидаги анъаналардан маҳорат билан фойдаланганлигини кўрсатади, иккинчидан сўзларнинг асл ва кўчма маъноларини ифодалашда, турли хил образ ҳамда поэтик манзаралар яратишда ўзига хос истеъдод соҳиби бўлганлигини ҳам ойдинлаштиради.

СЎФИЙЛИК ТАРИҚАТИ

Сўфий Оллоҳёр йирик муттасаввуф шоир, олим ва фикҳ сифатида камолга етган бир даврда «Маслак ул муттақин»¹⁵ асарини яратди. «Маслак ул -муттақин» («Такводдорлар маслагии») фикҳ, шариат аҳкоми, маънавият, ахлоқ қоидалари, ислом тарихи масалалари баҳсига бағишланган бўлиб, шеърӣй шаклда форс тилида битилган. Бу асар ўн икки мингдан ортиқроқ байтдан иборат бўлиб, 135 та катта ва кичик боблардан таркиб топган.

Сайфиддин Сайфуллоҳнинг фикрича, китобнинг ёзилиш сабабларидан яна бири Сўфий Оллоҳёр яшаган даврларга келиб Ислом динининг бир қадар сусайиши, натижада ахлоқсизликнинг кўчайиши, бемехрлик, шаробхўрлик, зинокорлик, зулм ва зўравонликнинг кенг авж олиши бўлган.¹⁶

Шариат - исломий ҳуқуқ асослари, ахлоқ нормалари, диннинг амалий шартларини ўз ичига олади. Унда (шариатда) давлат бошқаруви, мерос, жиноят ва жазо, қозилик, васийлик, оила ва никоҳ, Оллоҳга иймон келтириш, тақво йўл йўриқлари, конун ва фатволар ишлаб чиқилган. Ана шунинг учун «Маслак ул - муттақин» туркий тилда наср билан «Ҳидоят ул-муттақин» номи остида таржима қилинган, қўлёзма нусхалари тарқатилганлигига қарорӣй у чоп этилмасдан қолган.

Сўфий Оллоҳёр «Маслак ул -муттақин» асарини олим учун эмас, араб тилини билмайдиган, оддий кишилар учун битдим, дейди. Унинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда кенг тарқатилган.

«Маслак ул -муттақин» ни ўқир эканмиз, унда келтирилган масалалар қирқдан ошиқ китобдан олинганининг гувоҳи бўламиз. Тавҳид, ақойид, Оллоҳнинг зоти ва сифатлари толибларга таълим бериб келинган. «Маслак ул -муттақин» да ҳам Оллоҳнинг саккиз субутӣй сифати-«ҳаёт», «илм», «қудрат», «басар», «самъ», «ирода», «калом», «тақвин», ҳамда икки сифати – унинг шериги

¹⁵ Сўфи Оллоёр. «Маслак ул – муттақин», Самарқанд музейи инв. КП. Инв. Рак. № 4053, 824 сах.

¹⁶ Сўфи Оллоёр. «Маслак ул – муттақин», Т.: Мовароуннаҳр, 2008 йил, 8-бет.

йўқлини ҳамда барча айбу нуқсонлардан пок ва муназзаҳлиги тушунтирилади. Мусулмончилик шартларини бажарувчи кишида аввало мустаҳкам иймон-этиқод, сидку ихлос бўлмоғи керак.

Асарда иймон келтиришнинг зарурати, ҳақ ва ростлик алоҳида- алоҳида бобларда шарҳлаб ўтилади. Ҳар бир мўминнинг комил этиқод билан яшаб ўтмоғи Яратгувчидан тиланади:

***Баҳамин этиқод зери лаҳад,
Бадурусти барад Худойи аҳад.***

(Якка ягона парвардигор шу этиқодимизни қабрга киргунга қадар дуруст қилсин.) Тангри ва унинг расулига юракдан ишонмаса, уларнинг айтганларига чин амал қилмаса, куруқ тил билан мусулмонман дейишнинг бу дунё ва охират учун ҳеч қандай фойдаси бўлмаслиги таъкидланади. Сўфий Оллоҳёр ижоди билан қизиққан ҳар бир китобхон «Маслак ул муттақийн» ни ўқиб, дил дардлари, айниқса руҳий таржимаи ҳолидан вокиф бўладилар. «Муножот», «Мусанниф камчиликларининг баёни», «Фарзанди аржумандга насиҳат» каби боблар шу жиҳатдан этиборлидир. Шунингдек, бу бобларда муаллиф Оллоҳга тавба-тазарру қилади, гуноҳларини афв этишини сўрайди. Ўзининг ожиз банда эканлигини изҳор этади, оқибат инсон яратган Тангри олдида яхши-ёмон ишларидан ҳисоб беришини эслатади. Мўминни ҳақ ва эзгулик томонга ундайди.

Сўфий Оллоҳёрнинг ўзига ё ўғлига хитоб қилиб битган ибратли байтлари аслида бутун мўмин-мусулмонларга тааллуқлидир.

Меросимизни ўрганишга кенг йўл очилган ҳозирги пайтда ўз ўтмишимизни, маънавий қадриятларимизни яхши билиб олиш билан ёш авлодни тарбиялашга алоҳида этиборимизни қаратишимиз лозим. Ҳазрат Сўфий Оллоҳёрнинг тожик тилидаги меросини ўзбек тилига таржима қилиш, халқимиз ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш, зиёлиларимиз олдида турган фахрли вазифадир. Бу эса катта маънавий фойда келтириши шубҳасиздир.

СЎФИЙ ОЛЛОҲЁР АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ ИЗДОШИ

Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул - ожизин» да муножот шеърий шаклдан кенг фойдаланади ва уларда ўзининг худосеварлик - тасаввуфий қарашларини ифодалашга эришади. Бу шеърий шаклнинг тасаввуф адабиётидаги энг яхши намунаси Аҳмад Яссавий томонидан яратилган.

Сўфий Оллоҳёр яратган муножотлар тасаввуфий моҳият билан Аҳмад Яссавий асарига яқин туради. Аммо уларда тавба - таззару руҳи устунлик қилади. Аҳмад Яссавий «Муножоти» да хикматларни тарғиб қилиш, шу асосда Худони англашга даъват этилса, Сўфий Оллоҳёр яратган муножотлар шоир қарашлари аниқ мақсадларга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

«Сабот ул-ојизин» бир неча манзумалардан ташкил топган бўлиб, Сўфий Оллоҳёр Худони унутиб қўйганлар ва уларнинг тақдири ҳақидаги ҳикоятлардан сўнг муножот шеърий шаклидан фойдаланади. Биз буни «Азоби қабрнинг баёни», «Дар баёни Пулсирот», «Беҳишт ва дўзах баёни» каби манзумаларда кузатамиз.

«Дар баёни Пулсирот» манзумасида нақл қилинишича, жаҳаннамда бир кўприк бўлиб, у Сирот отлик гузаргоҳ ҳисобланади. Пулсирот қиличнинг тиғидан ўткир, қилдан ингичкадир. Одам шу кўприқдан ўтмоғи керак. Ўтса яхши, бўлмаса унинг ости жаҳаннамдир. Ортга қайтишга йўл йўқ. Шунда одамнинг юраги қон бўлиб, кўзларидан ёш тўкилади, лекин қутилмоқнинг иложи йўқ.

Шоир тасвирига кўра, фоний дунёда Оллоҳни таниганлар кўприқдан яшин тезлигида, баъзилари шамолдек, югурик отдек осонгина ўтадилар. Лекин бошқалар Сирот кўпригидан йиқилиб, жаҳаннам бағрига равона бўладилар.

Шу сабабли шоир Худодан бандасига раҳм-шафқат тилайди, ҳаётлигида уни тарбияловчи пирга ҳамроҳ этишни ўтиниб сўрайди:

*Илоҳи бандани соҳиб надам қил,
Сиротли шаръ узра соҳиб қадам қил.*

*Маъосий лойиға тойдурма пойим,
Биҳишти маҳфиратни айла жойим...*

***Илоҳо, бирлигингни ҳурматидан
Саломат қил у қўприк меҳнатидан.***

Аҳмад Яссавий «Муножот» номаси билан «Сабот ул-оҷизин» асарининг вазни ҳам бир хилдалиги эътиборга лойиқдир. Яна диққатга молик жойи шундаки, Сўфий Оллоҳёр тасаввуф адабиётининг йирик вакили бўлган Аҳмад Яссавийнинг асарларини кунт билан мутолаа қилганлиги, ҳатто унинг асарларидаги айрим байтларга ҳамоҳанг сатрлар битганлигининг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, тасаввуф адабиётида руҳ инсонни тўғрилиққа, покликка, Оллоҳни таниш ва англашга даъват этувчи куч сифатида кўринади. Шу жиҳатдан қараганда нафс ва руҳ инсоннинг Оллоҳга бўлган иштиёқини кучайтиришда бир - бирига зид бўлган восита сифатида англашилади. Аҳмад Яссавий бу ҳақда шундай дейди:

***Нафсим мани йўлдин уриб хор айлади,
Термултириб халойиққа зор айлади.***

Сўфий Оллоҳёр ҳам Аҳмад Яссавий ғояларини давом эттириб, ёмон нафсни пок руҳга тобе этишни асосий мақсад қилиб қўяди. Аҳмад Яссавий ва Сўфий Оллоҳёр ижодида илоҳий - руҳий, тасаввуфий - руҳоний ҳаётнинг туб манзили нафсни поклаш деб уқтирилади:

***Эрур холо ки товба боби мафтух,
Ёмон нафсингни қилгил тобиъ руҳ.***

Юкоридаги далилларга асосланиб, Аҳмад Яссавий ва Сўфий Оллоҳёрнинг нафс ҳақидаги қарашларида умумий муштаракликни кўрамыз.

Манбалардан топилган янги форсча - тожикча шеърлар¹⁷

Баъд амр зи хожাগон аз роҳи сироҳ,

Омад аз Ҳинд он вале ногоҳ.

Чун ғарибон ба он нидо ёр расид:

«Чуз Расули Худо надошт паноҳ».

Аз риёзат чу моҳи нав кам-кам,

Дод тақвою зуҳдро аладдавом.

Номи ӯ буд Шодҳолаш,

Муддати зиндаги ба чандингоҳ.

Мустаҳиб у фард гузашт накард.

Зоҳиру ботинаш ҳабибуллоҳ.

Чун қунам васфи ӯ чи сон гўям,

Ғашт ақлам ба васфи ӯ кўтоҳ.

¹⁷ Қўйида келтирилаётган шеърлар проф. И. Сувонкуловнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул ожизин» ва «Баёзи Убайдулло Аламкаш» қўлёзмаларининг нусхаларидан, шунингдек, Ўз ФА Х.Сулаймонов номидаги «Қўлёзмалар» институти архивининг 2106,1983,3022 рақамли инвентарларида сақланаётган Сўфий Оллоҳёрнинг «Сабот ул-ојизин» асаридан олинди.

*Дастии байъат касе, ки ба ӯ дод,
Зинда дил гаштиву шудӣ огоҳ,*

*Рӯзае ӯ ба толибон фармуд,
Зикри қалбӣ ба дил наку Оллоҳ.
Зикри суруди хафию султонӣ,
Рӯҳ ҳасм тай накард боз онгоҳ.*

*Нафъу исбот инчинун фармуд:
«Ло» нагӯем «иллаллоҳ», «иллаллоҳ».*

*На чу шайхон зи кас тамаъ мекард,
Раҳнамо бувад алас сабил Аллоҳ.*

*Ҳама ёрон ба гарди ӯ буданд,
Саф зада чун сипоҳ гирди шоҳ.*

*Тарбият кард толибонро ҳама умр,
Рӯз хуришед буди шаб моҳ.*

*... Гашт пинҳон ба зеру мунъи дарез,
Турфат-ул-айн аз назар ногоҳ... .*

*Чанд пинҳон ба зери чоҳ шавӣ,
Хамчу Юсуф берун баро аз чоҳ,*

*Алифи қоматам бубин дол аст,
Ҳамчу нун гаштаам зи ғусса дутоҳ,*

*Ҳаст бар ҳоли ман ду шоҳиди ман,
Ашки гулгуну, чехра ҳамчун коҳ,*

*Омадам ба дарат бо сад умед,
Кун қабулам, ба бандагет бихоҳ,
Ҳам бикунд дасти марҳамат бар сар,
Ҳам бикун кори ман бар ўй ба роҳ.*

*Ошиқонат зи ғусса хушк шуданд,
Ҳамчу нахли шикаста бар сари роҳ.*

*Ё ба борони раҳмат шабу рӯз,
Лутф фармою сабз чу гиёҳ.*

*Ё чу наргис ба хок сар барзан,
Чашм бикишову сабз кун ногоҳ.*

*Ҳама аз ту ҳамин тамаъ доранд,
Дастии мо гир, эй валийуллоҳ.*

*В-арна рӯи замин сиёҳ шавад,
Чун мақоми хабар зи дил барорад оҳ.*

*Чун кунам шиква аз фалак тарсам,
На шавам ё зи бандаи ғумроҳ.*

*Аз хирад ғавти ӯ чустам,
Чист таърихи муришид огоҳ.*

*Ин нидо шуд зи ҳар тараф аз ғайб:
«Рав ба жаннат нишин Ҳабибуллоҳ».*

** * **

*Сахт маъюсем аз худ то ба дунё омадем.
Базм барҳам хурда будаст, беҷо омадем.*

*Аз паи хизмат зи маъмуре ба дунё ... ,
Ба сари тақсириҳо кардем, то мо омадем.*

*Ҳар нафасро дар қазои худ маҳосил дидаем,
Чаширо пӯшида аз айшу тамошо омадем.*

*Сахт роҳи борики дар уқбаҳо дар пеши мо,
Ҳамчу ланг дар роҳ бесару по омадем.*

*Аз адам кай з-ихтиёри худ ба дунё омадем,
Банда мурем, ки чун зӯем, ки беҷо омадем,*

*Гардани таслим дар тахти ризо ҳам кардаем,
Хоҳ толеъ наст, хоҳӣ бахти боло омадем.*

*Як сари занҷир табиат ба даст овардаем,
Зарраосоем, ки манфушк зи байзо омадем.*

*Мо на маъюсем Шамсиддини худ бал бо умид,
Баҳри ҳосил кардани мақсуд ҳосил омадем.*

* * *

*Манзилам дур аст, дар роҳ уқбаҳо афтода аст,
Бори занҷири тааллуқҳо басо афтода аст.*

*Менадонад кас аз ин манзил саломат жон барад,
Дар раҳи мо нафси шайтони ҳаво афтода аст.*

*Алвидо, эй дӯстону ҳамнишинон, алвидо.
Бар сарам савдои хоки Мустафо афтода аст.*

*Сар ба саҳро мезанам, дар қӯи ӯ чун гирдбод,
Дар дилам завқи туроби Мустафо афтода аст.*

*Аз барои он, ки гӯяд дар қиёмат уммате,
Рӯзу шаб вирди забонаш Раббано афтода аст.*

*Ҳар ки Оллоҳёрро пурсад, ҷавоби ӯ диҳед:
Менадонам устухони ӯ кучо афтадааст.*

** * **

*Дар ёд омад ба ман голиб набошам дар диёр,
Жўши мо паст аст дар манбаъ намегирад қарор.*

*Гиряву зорӣ зи айёми чавониҳо чӣ хуш!
Қасрати неъмат бувад солики борон борад баҳор.*

*Мавҷи ҳиммат мекунад зоҳир бар зукҳойи мард,
З-он чиболе, ки олӣ нест, кай ҷеъшад мор.
Нуқтае аз шубҳа рангин мекунад мирёти дил,
Дидаи бинои кас аз зўҳд гардад бегубор.*

*Бевиҳои муътақид ранҷи риёзат зоеъ аст,
Шоҳ кай бар медиҳад то бех набвад устивор.*

*Доим, Оллоҳёр, бар маҷмӯи некон умр соз,
Мешавад дирҳам ба нуқра, меравад дар ҳам ба қор.*

** * **

*Ҳузури қалб бувад осори вай ҳар аъмол,
Қусуфи меҳр ҷаҳонро сияҳ кунад филҳол.*

*Сукути зиндадилон нест холї аз ҳикмат,
Найе ки пур зи шакар шавад садои уст маҳол.*

*Қиёси ҳолати пир аз мурид бояд кард,
Ба қудрати азимати кас соя аст дур балол,*

*Камол ёфтагонро завоҷ наздик аст,
Уружи меҳр чу шуд баркамол ғашт завоҷ.*

*Сарвари дунявий беғам набошад, Оллоҳёр,
Чунончи ҳеч адавий нарафта бе асол.*

* * *

*Рост шав номгоҳи халқ гардад бар эмин,
Некмардонро асо аз рости гардад ямин.*

*Хоксорӣ туро накард ҳарчанд олирутбае,
Осмоне бо чунин улви бувад рӯ бар замин.*

*Дар миёни дил суғст карда ҳоли мард,
Даршато кам мешавад таъсири меҳри оламин.*

*Тавсани тоат муъзайян кун, ки раҳ дураст, дур,
Ё мусофир роҳ асату жон аст колоии самин.*

*Ҳаргиз, Оллоҳёр, дар ин раҳ даме гофил мабош,
Уқбаҳое сахт дар пеш аст, аъдо дар камин.*

* * *

*Сарваре бояд миёни сокинони хонақоҳ,
Ин қадар ахтар намесозанд ҳаргиз кори моҳ.*

*Дар фироқи меҳр шаб мегуфт сайёҳи сипехр,
Ҳар ки рӯ бенур зоҳир медавад равшан сиёҳ.*

*Сояваи холи сиёҳ доранд асҳоби тамаъ,
Як қадам бе ави мардум рафта натвонанд роҳ.
Ашки чашми хоёкин ронандаи деу ҳавост.
Наҷм бошад рожими шайтон ба фармони илоҳ.*

*Пуштаи чавдон кушода рӯйи хуш, хӯйи карим,
Гарчи кас сар занад, санги сиёҳ аст бегуноҳ.*

*Ошнои зердастонро чу байзо ёд гир,
То зи хижлат карда натвонанд бар рӯят нигоҳ.
То сиёи нуқта бошад набояд дид сахл,
Чун ҳадис кам ҳам бувад, созад таҳоратро табоҳ.*

*Дар ибодат аз ҳузури мо хавотир бартараст,
В-эй бар зореъ, ки аз қўшиш бештар бошад гуноҳ.*

*Ҳасрат, Оллоҳёр, баъд аз пири раҷъат чи зишт,
Хоби субҳи беҳ бувад, бартар зи баъди ин баноҳ.*

** * **

*Дар дили озода гардад нест ғамхое ки ҳаст,
Бар замини беғиёҳ бар отаиш омад ғашт наст.*

*Дар ахири аср шои мейр бо асҳоб қасир,
Гуфт: ҳар кас адл дорад сурхрӯ хоҳад нишаст.*

*Назди аҳли интиҳо ҳаргиз гӯ бамаъни нестам,
Баста ҳамчун «лом» «алиф» танҳо кӯбон ду даст,
Бе салоҳӣ гар фузун бошад, насиҳат боди сахт,
Заҳм агар саъб аст бояд медавонӣ талх баст.*

*Дунявӣ то пеш мегардад тараддуд беиштар,
Дарди сар будаст аглаб, ҳар ки голиб ғашта аст.*

*Ҳар ки пайваستӣ, ё Оллоҳёр, дар раҳ маътал аст неҳ,
Чун камон суст аст, тир аз вай нахоҳад ҷуст-ҷуст.*

* * *

*Дил, ки нуоний шавад, панди уйуби беш бас,
Соя дар торикии шаб кай бувад маълуми кас,*

*Мекашад аксар ба худ шикастагонро жазби ишқ,
Ҳол гар вобаст жамъ овардани хоки шахас,*

*Дар риёзи шавқ бо тухми талаб деҳқон шавад,
Гуфт хоколуда шав, торик бувад орий ҳавас.*

*Жони ориф орзу дорад аз ин жисми хароб,
Мисли булбул сўйи гул парвоз созад аз қафас,*

*Нияти мардон аз Оллоҳёр ноқобил мажӯ,
Чун уруж, созанд анқоён, пасту сифлист магас.*

* * *

*Оқилон чун най миёни хидмати мардон буданд,
Шод аз шахди карам дар синаат резанд қанд.*

*Дўсти бо хасм кардан, ёд баргир аз замин,
Боз пуртар медиҳад ҳарчанд андози каланд.*

*Дар фуру рафтан ба гўши хуш мегуфт офиёт,
Ҳарки бо пасти равад фардо бурун ояд баланд.*

*Одамй хокист, ўро ишқ орад кимиё,
Лаъл ҳам санг аст, тори синааш кард аржуманд.*

*Ман муқими кўйи ёрам, хори ман изз нест,
Хонае бар раъс жу ар боғ мебошад писанд.*

*Дил ба дасти дилбаре афтод, дигар рӯ матоб,
Бозии зогон шавад зар дашт шаҳбозӣ қунанд.*

*Чун калон шуд мард, по фаҳмида мондан лозим аст,
Кай бувад ғалтидани уштур мисоли гўсфанд.*

*Талхӣ як хаши завқи лутфҳо барҳам занад,
Ғолиб аз даҳман шакар, аз заҳр миқдоре сифанд,*

*Чун барас бар рӯйи нохун ҳам бувад карданд айб,
Як дилу яқрангии хушсўҳбатони хуш манд.*

*Пеши акмал маҳв мегардад мастони башур,
Мегирад, бод омад, бад риёсат шуд дидам чанд.*

*Умрҳо бигзашт, Оллоҳёр мин баъд аз камин,
Нақши пойи содиқон шав дар тариқи нақшбанд.*

* * *

*Нуктае аз кибр қалби шахсро мулзам кунад,
Қатраи хобин поли як чоҳро барҳам кунад.*

*Ошиқони макри муми хамчу шамъ...
Баҳри нур афзун як жамъ аз худ кам кунад.*

*Хирсдорон худро ҳам панд...
Одати тифл ончи, дар дасташ фитад, дарҳам кунад.
Кори оқил зӯр бошад дар табассум мисли гул,
Чашмҳои хештанро дар дили шабнам кунад.*

*Давлати гетӣ муқаррар кай бувад, зероки чарх-
Моҳро ки бадраки мастурагоҳе ҳам кунад.*

*Ҳаргиз, Оллоҳёр, дур аз суҳбати некон мабош,
Баҳр гар дар чашмаи бисёр худро жаъ кунад.*

* * *

*Нуҷуми ашқи гардун чашми ошиқи зор,
Чи давлат аст барояд ба сидқ дар шаби тор.*

*Ману қалам, ки ба як сафҳа ашқ резонем,
Ҳикояти ин ду жигарнора карда аст хазор.*

*Ҳазор оҳ зи беинтиҳойи ин роҳ,
Баҳор бе ададу уқбаи ҳазор-ҳазор.*

*Бинои умр, яъне бод кай вайрон аст,
Дар ин дурӯза мадор умид, мадор.*

*Ҳазор мартаба жонат баранд, боз оранд,
Хусули кор соз аз ошиқи бозор.*

*Жароҳати дили ушшоқро давое нест.
Магар нидои «сабр таму фунъам уқби-уд-дор».
Ҳавои салтанату жоҳ офати жон аст,
Ғулом шав ба ғуломони ёр, Оллоҳёр.*

* * *

*Ба қадри моли касир аст ҳирси дунёдор,
Ҳало кай ҳажросост қадри бор,*

*Гар тараддуд кард моро чу оби дарё дон,
Зи баҳри нафъи халойиқ наёфтаанд қарор.*

*Ба пеши сафо сухани ханда рӯй меояд,
Шажарки мева диҳад, гул намояд аввал бор.*

*Ки нафс хор қунад, оҳ, гараз мавҷуд аст,
Савоки аҳли таҳорат бувад зи сал бор.*

*Шуғуфта рӯй ниғаҳ кун, чу гул ба халқ ҳануз,
Гарчи гардани ту баркананд аз гулзор.*

*Агарчи бар дидаи ибрат назар қунад ориф,
Муайян аст зи ҳар як намуна чанд асрор,*

*Саҳоифи рақам ҳужжат аст дар ҳар марғ,
Силосили қўшиш ғалат аст дар нор.*

*Кучост бори маломати миност ҳар тифл,
Ки ёр дарду алам мебуванд ба ҷсонӣ кибор.*

*Зи ҷўиш мост накард қарор дар манбаъ,
Зи дарди ёр мешавад зи по Оллоҳёр.*

* * *

*Пир он бошад, ки бинмояд раҳи пайғамбарӣ,
Гар пирӣ бинӣ таҳаллуф, чун пирӣ зи инҷо парӣ.*

*Қиймати ҳар кас ба қадри ҳоли ӯ ёре шунохт,
Аз чизе бошад хабар бо қиймати софи хабарӣ.*

*Эй, ки меҳоҳӣ ба роҳи зӯҳд беминҳोजи шаръ.
Роҳбарӣ ин нест, балки халқро аз раҳбарӣ.*

*Оби ҳайвоне, ки матлуби миёни зулмат аст
Домани Хизре бадаст овар, агар Искандарӣ.*

*Ҳарихаи нафси саркаш, ин ҳама сураат чарост,
Ин насиби саҳл бошад оқибат хокистарӣ.*

*Мосуво аз дил бурун кардан ҷиҳоди акбар аст,
Эй, хуш он гозе, ки форуз аст аз ҷавлонгарӣ.*

*Ҳар қадам роҳи по мони зерӣ ӯ ҷонест заъиф,
Пой агар ҳозир намонӣ дастӣ ҳасрат барсарӣ,*

*Нуқтаи чашмат агар болост ҳашмат мекунад,
Гар ба чоност дӯсте зинҳор беҷо мангарӣ.*

*Хоб эй, Оллоҳёр, то кай рӯй меояд қариб,
Аз ҳузун бикишо даре то пардаи зафлат дарӣ.*

* * *

*Чанд ҳарфи туро кунам изҳор,
Аз ақоиди, Сўфий Оллоҳёр,*

*Муҳлиқоти кас аст жавду ҳаво,
В-ончи набуд ба ҳукми шаръ раво.*

*Шаҳвати нафс пайрави дев,
Яъне чун иллати риёву рев.
Ҳиббуд дунёву суҳбати фосфилло,
Ҳаббу жоҳу суҳбат и филло.*

*Тамаъ ғафлатаст, тўли амал,
Бе умур китоби ранҷи амал.*

*Нангу номус, бўхл, хўйи бад,
Ажаб кибру зурур, кийн, хасад.*

*Мунҷиёте, ки кардаанд ҳаводораст,
Товба дар ӯ бувад хавфу ражост.*

*Ёди марғ аст қўтаҳии уммат,
Сидқу, ихлос ажзи илму амал.*

*Адаб истиқомату тамкин,
Пайрави суннати китоби мубин.*

*Фарқи сарро хоки пойи ҳазрати Раҳбар кунам,
Беҳ ки пойи мартаба дар гунбази ахзар кунам,
Содиқ ул-ваъдам, ки бар як қавл тарки сар кунам,
«Ман на он риндам, ки тарки шоҳиду соғар кунам
Муҳтасиб донад, ки ман ин корҳо камтар кунам».*

*Муддате дар кўи риндӣ ғашта бошам зорҳо,
Хўрда бошам аз бадӣ соқӣ майи гулнорҳо,
Пеши мардон лофи бебоқӣ зада бисёрҳо,
Ман, ки айби тавбагорон карда богаам борҳо,
Товба, оре, вақти гул девона бошам гар кунам.*

*Ошиқонеро, ки имрӯз аст маъво майкада,
Зарфсон рӯзи азал тақдир бошад майкада,
Савмаъ а бо зоҳиди хоки, бо мо майкада.
Ишқ дурдонаст, ман гаввос, дарё майкада,
Сар фуру бурдам он жо то кужо сар бар кунам.*

*Тутии табъам, ки ин дам қайд бошад доми ишқ,
Меҳўрад бо чой шаккар ҳар замон аз жоми ишқ,
Рӯзи умрам сарф шуд дар орзӯи шоми ишқ,
Лола соғаргир, нарғис маст бар мо номи ишқ,
Боварӣ дорам, ки бас, ёраби, довар кунам,*

* * *

*Ҳар ки қайди тоқи абрӯйест ба обе шуст равост,
Обрӯи ман туроби қӯи шоҳ ангиз бихост,
Хоҳ бахшад, хоҳ сӯзад, ҳар ду аз алтофи ўст,
Ошиқонро гардад отаи, берасадди лутф дӯст,
«Тангчашиам, гар назар бо чашиаи кавсар қунам»,*

*Доманат бигрифтаам ин дам, ки бо аҳди дӯст,
То қиёмат эътиқоди ман меҳаҳад, ки ғашт суст,
Пардаҳои нуқсҳои банда баҳишиҳои туст,
Чун сабо маҷмуаи гулро ба оби лутф шуст,
«Каждилам хон, гар назар бар сафҳаи дафтар қунам»*

*Хубрӯён ҳечанд дар назди хубии ан,
Нест ғуз зоти шарифе дар чаҳон маҳбуби ман,
Шукр меорам, ки дар олам дуни матлуби ман,
Бозкаш як дам инон, эй турки шаҳр ошӯби ман,
То зи ашқу дида роҳат пурзару гавҳар қунам.*

*То нағири ғишои домани яқулмаки,
Баҳра аз умрат наёби дар хафию дар ғжали,
Дар чаҳон пире талаб қун, ки агар чи Ҳанбалӣ,
Шеваи риндӣ на лойиқ буд сунъиро, вале,
Чун дур афтодам чаро андешиаи дигар қунам.*

*Кас ба кўйи орифе барҳақ, ки восил мешавад,
Дар дами аввал, ки охир соҳиби дил мешавад,
Дар дилаш файзи Худо ҳар лаҳза нозил мешавад,
«Чунки имрузам бихишти нақд ҳосил мешавад,
Ваъдаи фардои зоҳидро кучо бовар кунам».*

*Аз нуфуси сер ояд файзи субҳонӣ ба даст,
Мӯр будам, кардаам тахти Сулаймонӣ ба даст,
Шукр, Аллоҳ, гар муяссар қалби ҷонӣ ба даст,
«Манки дорам дар гадой ганчи султонӣ ба даст,
Кай тамаъ дар гардиши гардуни дунпарвар кунам».*

*Хоки роҳи аҳли соҳибмазҳаби кўфӣ шавам,
Беҳ, ки бар фарқи саре ду нон лойӯфи шавам,
Ман, ки ёрии миёни халқ маъруфи шавам,
В-ар чӯ бедаи бесамар ноки кунун сӯфӣ шавам,
Баҳ аз он аз шармрӯи қул бежо сар бар кунам.*

*Бе ибодатҳои холис, бе риёзатҳои сахт,
Дар ҳарими ёри худ ошиқ нахоҳад бурд рахт,
Ман ки Оллоҳёрам, аз гетӣ нахоҳам тоҷу тахт,
Гӯшаи меҳроби абрӯи ту мехоҳам зи бахт,
Ҳамчу Ҳофиз то дар инчо дарси ишқ аз сар кунам.*

* * *

*Рутбаат дар чарх хуриед агар бошад улӯ,
Меравӣ охир ба чандин орзӯҳо фуруӣ,
То тавонӣ хотири ҳар нотагонро биҷӯ,
Ҳар киро нест ба ҷуз нон зҳсон ҳаст ба ӯ,
Об рӯ гардад зи оташдон, барояд сурхрӯ.*

*Аҳли суннатро дар ин раҳ зарраи бидъат мабод,
Чун хато гардад ба хат гар як алиф гардад зиёд,
Як сухан бишнав аз ин ғамбод эй некӯ ниҳод,*

*Аз намози ишқ кай воқиф бувад ҳар номурод,
То насозад назди маҷзубон зи хуни дил вузӯ.*

*Аз тараддуд ҳафт кишварро алам афрухтан,
Нест микдоре ба доди Ҳақ қаноат сохтан,
Чист аз баҳри дуни се рӯзи фано жон бохтан,
Саҳл бошад панча бо шери жаён андохтан,
Мард онест, аз маноҳи пок медорад гулӯ.*

*Бо вуҷуди он, ки дар олам шави оӣҷаноб,
Хок бўӣ кӯӣ ҳар бечора шав чун офтоб,
Хор дорӣ хештанро то шакар резад саҳоб,
Дидаи ушшоқ мебояд зи сӯзи дил пур об,
Баҳр агар дар жӯи бошад об меояд ба жӯ,*

*Рӯ матоб, эй дил, зи амри подгаох чуз вайи кулл,
Дам ба дам паймонаи умри ту хоҳад гаши мул,
Рафт бо гулзор вақти субҳ он сарсабул,
Бо забони ҳол механдид менолид гул,
Ҳафтаи дигар бубин, на ранг мемонад, ка бӯ.*

*Поймоли халқ соҳибиззати дин мешавад,
Кул лайк бисёр бинад косаи чин мешавад,
Дона чун бар хок худро бош чин мешавад,
Сийнаҳо аввал зи мори захр хунин мешавад,
Ҳар ки дорад мисли пистон, шир додан орзӯ.*

*Санг дар ботил гаронӣ дошт суроҳ бибурд,
Қадр пайдо кард чун дур ҳарки худро дид хурд,
Мол чун ҷонест, чун дода мебояд супурд,
Нуқтае аз музд агар кам мекуни гӯянд мурд,
Бо мусулмонӣ чаро зомин шавӣ як тора мӯ.*

*То чабини хеш дар зоҳир ба масҷид судай,
Лек дар бохин барои нафс фисқ афзудай,
Дурри мақсуд нест ҳосил то нафас олудаи,
Бас, Оллоҳёр, расвоҳои олий будай,
Туширӯй, баддилӣ, беҳудагӯй, тундхӯ.*

ТЎРТЛИК - МУНОЖОТЛАР
(Рубоиёт батариқаи муножот)

*Холиқо, қойилман ўз нуқсонима,
Қўб жафо қилдим ўзимни жонима,
Зоти покингдин иноят бўлмаса,
Ҳеч ишончим йўқ амал қилгонима.*

*Холиқо, қилдим фиъоли гандани,
Қилмагил расво мани шармандани,
Сен агар раҳмат ниқобин ёпмасанг,
Айби қўп нуқсони қўпдур бандани.*

*Холико, тўктум ибодат тосини,
Сан тузарсан бандани кам косини,
Қўлларинг бўлгонса исём лойиға,
Оқизурсан мағфират дарёсини.*

*Холиқо, қилдим гуноҳи беҳисоб,
Тонгла сан сўрсанг, не бергайман жавоб?
Мен очарман жўрми исён чехрасин,
Сен ёпарсан авфи раҳматдин ҳижоб.*

*Холиқо, қилдим гуноҳи беадад,
Жон берур ҳолатда сан бергил мадад,*

*Нафси шайтон илгидин қутқармасанг,
Бўлди мушкул ҳолимизга, ё Аҳад.*

*Холиқо,ё Аввало, ё Охиро,
Нафси шайтон жонима бўлди бало,
Гарчи Оллоёр ўтарчидур ямон,
Қўймагил душман қўлига мубтало.*

*Холиқо, тутдум фароғат хобини,
Истадим доим жаҳон асбобини,
Гарчи Оллоёр эрур зарқи гуноҳ,
Оч анга ўлганда раҳмат бобини*

*Холиқо, умр айладим фони билан,
Эмди баданг зор жони билан,
Гарчи Оллоёр эрур зеру забун,
Жонини ол нури иймони билан.*

*Холиқо, пой ишларим бош айлагил,
Хирмани тоат манга чош айлагил,
Мунда тавфиқим чирогин қўлга бер,
Анда имонимни йўлдош айлагил.*

*Холиқо, афви айла ўтган ёшима,
Яхши қулларни ато қил қошима,*

*Гўр ичида келса икки сўргучи,
Анда сан раҳм айла ёлғуз бошима.*

*Холиқо кўнглумда дунёйи дунни,
Мани эрурман бандаларнинг озғуни.
Гарчи банданг бунда бўлса русиёх,
Юзларин оқ айла маишҳар қуни.*

*Холиқо, ҳайф ўти моҳи солимиз,
Бўлмади нофиъ аёлу молимиз,
Сан ҳисобимизни осон этмасанг,
Рўзи маҳшарда на кечгай ҳолимиз?*

*Холиқо, ярлоқа халқи оммани,
Ўртада мандек маосий хомани,
Ҳажрда ҳар кимга келса бир битик,
Анда бергил, ўнг қўлумга номани.*

*Холиқо ким, изладим кўйи амал,
Яхшилардек юрмагил суйи амал,
Сан карам бирла қиёмат даштида,
Айлагил огир тарозуйи амал.*

*Холиқо, дийдамга ажски жори бер,
Кўнглима доим муҳаббат ёри бер,*

*Оби кавсардин мани сероб этиб,
Ҳам яна кўприк ўтарда ёри бер.*

*Холиқо, лутф айла жанноти наъим,
Қилмагил ҳаргиз гирифтори жаҳим,
Мани гуноҳлик қул эрурман Сан Ғафур,
Ман хатолик бандадурман Сан Карим.*

*Холиқо, туз айлагайсан роҳимиз,
Мустажаб эткил дуою оҳимиз.
Тонгла ҳайрон бўлса халқ ўз ҳолига,
Мустафони қил жафоатҳоҳимиз.*

*Холиқо, лутф эт гадойи зоринга,
Бандадурман розиман ҳар корингга,
Мағфират дарёсига ғарқоб этиб,
Кўзларим шойиста қил дийдоринга.*

КИТОБДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ҚЎЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА МАНБАЛАР

1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси адабиёт музейи қўлёзма. «Сабот ул - ожизин», ёхуд Мажмуолиёти Сўфи Оллоёр .-170 бет.

2. Баёзи Убайдулла Аламкаш, Сувонкулов И. Шахсий кутубхонасида -774 бет.

3. Сўфи Оллоёр Сабот ул - ожизин Ўз ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги «Қўлёзмалар» институти архиви, инв. N 2106, 1983 йил, 3022.

4. Сўфи Оллоёр «Сабот ул - ожизин», СамДУ, Шарк қўлёзмалари бўлими, инв. 39116, 5/Д - 240 бет.

5. Сўфи Оллоёр «Маслакул - муттакин», Самарканд музейи инв. КП. 4053.

6. Сўфи Оллоёр. «Сабот ул - ожизин». Сувонкулов И. Шахсий кутубхонаси, -186 бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Тошкент. «Ўзбекистон», 2000 йил, 235-бет.
2. И. Сувонкулов. Сўфи Оллоҳёр. –Т.: “Фан”, 1995 йил, 13-28-бетлар.
3. Рашид Зоҳид. “Сўфи Оллоёр ҳақида нималар биламиз?”. “Шарқ юлдузи”, 1990 йил, 12-сон.
4. Қиссаси Машраб. -Т.: “Ёзувчи”, 1992 йил, 151-152-бетлар. Яна: Исҳоқ Боғистоний. “Тазкираи қаландарон. “Шарқ юлдузи”, 1990 йил, 8-сон, 156-бет.
5. Фурқат. Танланган асарлар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент.: - 1975 йил, 21 бет.
6. Ғаззолий Муҳаммад Абу Ҳомид . Ихё улумид –дин. Араб тилидан Мансур Абдулазиз таржимаси. – Т.: «Ёшлик» журнали, 1990 йил 6 – сон, 70 – 71 – бетлар.
7. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёш гвардия, 1987, 8-бет.
8. Рафиъиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат, - Т.: Фан, 1995, 89-бет.
9. Маллаев Н. Ўзбек адабиёт тарихи. 1 китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1976 йил, 158-бет.
10. Ғаззолий Муҳаммад Абу Ҳомид . Ихё улумид –дин. Араб тилидан Мансур Абдулазиз таржимаси. – Т.: «Ёшлик» журнали, 1990 йил 6 – сон, 70 – 71 – бетлар.
11. Ҳусайний А. Бадойиъу-с санойи – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981 йил, 212 – бет.
12. Ҳожирахмедов. А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия.- «Шарқ» нашрети матбаа консерни бош тахрирати. – Т.:1998 йил, 14-бет
13. Сўфи Оллоёр. «Маслак ул – муттақин», Т.: Мовароуннаҳр, 2008 йил, 8-бет.

МУНДАРИЖА

Қимматли манбалар.....	4
Сўфий Оллоҳёр фаолиятига чизгилар.....	7
Ишқий сатрлар.....	12
Маънавий-фалсафий қарашлари.....	17
Маънавий-ахлоқий қарашлари.....	20
Бадий маҳорат.....	23
Сўфий Оллоҳёрнинг тожикча шеърлари.....	28
Мураббаълар.....	31
Мухаммас мактублар.....	33
Тўртлик - муножотлар.....	36
Шеърӣ санъатлар.....	40
Сўфийлик тариқати.....	50
Сўфий Оллоҳёр Аҳмад Яссавийнинг издоши.....	52
Манбалардан топи́лган янги форсча - тожикча шеърлар.....	54
Тўртлик - муножотлар.....	75
Китобда фойдаланилган қўлёзма ва тошбосма манбалар.....	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.....	78

Моҳигул БОБОЕВА

**СУҒИЙ ОЛЛОҲЁРНИНГ
МАЪНАВИЙ ҚАРАШЛАРИ**

(Рисола)

Муҳаррир

Қ.Мелиев

Мусахҳиҳ

М.Абдуллаева

Тех.муҳаррир

О.Арно

***Жиззах вилоят матбуот ва ахборот
бошқармаси “САНГЗОР” нашриёти***

108000 Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси 4-уй.

2010-йил 10-апрелда оригинал-макетдан босишга рухсат этилди. Бичими 60x84/ 1,16. “Times New Roman” гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табағи 5,25. Нашриёт ҳисоб табағи 2,6. Адади 200 нусха. 023-бўйртма.

***СамДУ босмахонасида чоп этилди.
140104, Самарқанд ш.. Университет хийбони, 15.***